

65  
Я 49

33(575.1)

**Ў.Ш.ЯКУБОВ**

# **ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

*Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви  
Ташқи алоқаларнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари  
Ташқи иқтисодий алоқаларда инсон омили  
Ишлаб чиқариш ва ташқи иқтисодий алоқалар  
Ташқи иқтисодий алоқалар географияси*

2056163

**О'QUV ZALI**

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti  
373967  
Axborot Resurs Markazi

**ТОШКЕНТ – 2014**

УЎК: 635.48 (575)

КБК 65.04

Я-49

Я-49

Ў.Ш.Якубов. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг географик жиҳатлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 84 бет.

ISBN 978-9943-975-02-6

Монографияда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари географиясининг мустақиллик йилларидаги ўзгариши таҳлил этилади. Илмномада мамлакат ҳудудининг экспорт салоҳиятини иқтисодий-географик жиҳатдан асослашга ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ таянч тармоқларни саралашга, ташқи иқтисодий алоқалар стратегияси ва тактикасини ўрганиш бўйича услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга асосий эътибор берилган.

Монография муаллифнинг тадқиқотлари асосида ёзилган бўлиб, ташқи иқтисодий алоқалар билан қизиқувчилар, тадқиқотчилар учун керакли ва қатта ҳажмда системалашган далилий материаллар тўпламидан иборат.

УЎК: 635.48 (575)

КБК 65.04

Масъул муҳаррир: А. А. Қаюмов – г. ф. д., профессор

Тақризчилар: Т.Ж. Жумаев – г.ф.д., проф.;  
Х.Н. Омонов – г.ф.н., доцент.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий  
кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-975-02-6

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

## КИРИШ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейинги йилларда, мамлакатда иқтисодиётни, шу жумладан, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга бўлди.

Республика ташқи сиёсатининг ажралмас қисми бўлган ташқи иқтисодий алоқалар ҳозирги кунда иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланиб, у ички иқтисодий нисбатларнинг баланслашувига бевосита таъсир кўрсатмоқда ва аста-секин иқтисодий ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлганлиги, халқаро битимлар, шартномаларнинг ўз вақтида имзоланганлиги экспорт ва импорт операцияларини амалга оширувчи ташкилот ва муассасаларнинг ташкил этилганлиги ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдаги дастлабки қадамлар ҳисобланади.

Мамлакат ҳудудидаги барча соҳаларда ислохотларни амалга ошириш учун, Ўзбекистон етарли имкониятларга – нисбатан қулай иқтисодий географик ўрнига, бой табиий ва инсон ресурсларига ҳамда маънавий ва илмий-техникавий салоҳиятларга эга.

Иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси хорижий инвестициялар иқтисодиётни тараққиётга йўналтирувчи механизм вазифасини ўташни кўрсатмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида республикадаги хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони 3320 тадан ошди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларига қарашли хорижий фирмалар, банк ва компаниялар ваколатхоналари очилди.

Ташқи инвестиция ресурсларини саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилиш, унинг ишлаб чиқариш кўлами ва самарадорлигининг ортишига, бу эса ўз ўрнида экспорт салоҳиятининг кенгайишига олиб келмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши маълум даражада унинг экспорт салоҳиятига боғлиқ. Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг: «Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга оид махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурияти етилди», – деб таъкидлаганлигини эслаш жоиз.<sup>1</sup>

Бугунги кунда экспорт-импорт муносабатларисиз мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш мумкин эмас. Шу ўринда,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. «Ўзбекистон». 1998, 145 бет.

халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон ҳўжалигининг ривожланиш тарихига эътибор қаратмоқ лозим. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос иқтисодий салоҳияти мавжуд бўлиб, у такрорланмасдир.

Ўзбекистон амалга ошираётган ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шакли хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдир. Шунга кўра, давлат валюта кредит муносабатларини, яъни, чет эл сармояларини халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқларига жалб қилиш, ҳўжалик корхоналарини биргаликда куриш ва савдо-сотик ишларини амалга оширишга катта аҳамият қаратилмоқда. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг назарий ва амалий масалаларига доир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу ўринда Богуславский М.М., Витвер И.А., Вольф М.Б., Максаковский В.П., Абдусаломов М.А., Нуриддинов Э.Н., Расулов А.А., Солиев А.С., Қаюмов А.А. ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқот ишлари алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Экспорт-импорт муносабатларини ривожлантиришда умумий назариялар, концепциялар ёки моделларга таянилади. Мамлакатлар салоҳиятининг хилма-хиллиги яъни, такрорланмаслигини эътиборга олганда, уларнинг ресурслар билан таъминланганлиги ёки табиий ва иқтисодий географик ўрни, шу хилма-хилликни вужудга келтиради.

Ўзбекистон табиий ресурслар билан етарли даражада таъминланган, аммо унинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга бир мунча таъсир кўрсатувчи омил ҳам мавжуд бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий географик ўрни билан боғлиқдир. Жумладан, республиканинг материк ичкарасида жойлашганлиги, денгиз транспортининг мавжуд эмаслиги ва бошқа географик жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Монографияда ташқи иқтисодий алоқаларнинг юқорида баён этилган географик хусусиятларига эътибор қаратилганлиги тадқиқот мавзусининг илмий ва амалий аҳамиятини асослайди ҳамда унинг долзарблигини белгилайди.

## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ташқи иқтисодий алоқалар жаҳон иқтисодиётининг, аввало ташқи савдонинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Ташқи савдо жуда қадим-қадимларда вужудга келган бўлиб, натурал хўжалик юритишга асосланган жамиятларда унинг тараққиёти жуда паст суръатларда юз берган.

Халқаро савдонинг ривожланишига товар-пул муносабатлари тараққиётнинг чуқурлашиши ва кенгайиши жуда катта таъсир кўрсатди. Бунда мустақил давлатларинг вужудга келиши, улар ўртасида ва ҳар бир мамлакат ичида савдо алоқаларининг ривожланиши муҳим роль ўйнади.

Йирик саноатнинг барпо қилиниши ишлаб чиқариш кучларида инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлди ва халқаро савдода янги босқичнинг бошланишига олиб келди. Янги транспорт воситалари, шу жумладан, материклараро йирик денгиз кемаларининг барпо қилиниши ташқи савдо айланмасини бир неча ўн ва юз баробар ошишига сабаб бўлди.

Ташқи савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг ривожланган шаклидир. Унинг аҳамияти хусусий мулкка таянган ишлаб чиқариш усулининг асоси бўлган жаҳон бозорининг ташкил бўлиши ва ривожланиши, иқтисодиёт тармоқларини жаҳон мамлакатларида нотекис ривожланиши оқибатида юқори даражада тараққий этган тармоқлар маҳсулотларини хорижий давлатларга чиқарилиши, ишлаб чиқариш миқёсини, аҳолининг сотиб олиш имкониятлари чекланганлигига қарамасдан, чексиз кенгайиши натижасида ҳар бир мамлакат тадбиркорлари ва ишбилармонларини ташқи бозорни эгаллаш учун кураш олиб бориши билан боғлангандир.

Шундай қилиб, айрим мамлакатларни ўз ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришдаги манфаатлари маҳсулотларини бозорга чиқариш талаби, маълум турдаги товарларни четдан олиб келиш зарурияти ва ниҳоят, ривожланган мамлакатларда мавжуд арзон ишчи кучи ва хомашёдан фойдаланиш асосида нисбатан кўпроқ фойда олишга интилиш билан боғланган.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланишида ФТИ ва ФТТнинг аҳамияти беқиёсдир. ФТТнинг бевосита таъсири натижасида, янги тармоқлар ва ишлаб чиқариш

Йўналишлари вужудга келди, янги материаллар барпо килинди. Бу эса ўз навбатида, ТИАни ривожланишини яна ҳам илдамлаштирди.

ФТИ халқаро миқёсда ихтисослашув ва кооперациялашув жараёнларини кенг тарқалиши ва ишлаб чиқаришга тадбик этилишига, қайта ишловчи саноатни тез суръатларда ривожланишига ва мана шу асосда мамлакатлар ўртасида товар айирбошлашнинг кескин ўсишига замин яратди. Ундан ташқари, капитал экспорти ва жуда кўп мамлакатлар ҳудудида жойлашган ТМК ларнинг тез ривожланиши ҳам ташқи иқтисодий алоқаларга мамлакатлар ўртасида товар айирбошлашга жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

ФТИ таъсирида ТИА таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Аввало, фанталаб маҳсулот, тайёр буюмлар ва хизматлар салмоғи кескин кўпая бошлади. Бунинг натижасида, ҳозирги вақтга келиб тайёр маҳсулотлар улуши жаҳон товар айирбошлаш ҳажмининг учдан икки қисмини ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда ТИА нинг ривожланишида глобаллашув жараёни каби катта ўзгаришларга сабаб бўлаётган бошқа жараён ва омилни топиш қийин бўлса керак.

Глобаллашув жараёни жаҳон таррақиётининг муҳим жиҳати, омили бўлиб қолди. Глобаллашув ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатига, ижтимоий соҳага, маданият ва маънавиятга, экологияга, хавфсизликка ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур жараённинг ташқи иқтисодий муносабатларга, ташқи савдога кўрсатаётган таъсири ҳам беқиёс ва бетакрордир. Бутун жаҳон савдо ташкилогининг маълумотларига биноан, XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб дунё миқёсида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жаҳон савдоси билан узвий алоқадор бўлмоқда.

Глобаллашув жараёни байналминаллашув жараёни билан узвий алоқадор. Ушбу жараён ички ва ташқи йўналишларда ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Ички йўналишда мазкур жараён хорижий товарлар, капитал, хизматлар, технология ва ахборотлардан ички истеъмол соҳасида фойдаланиш миқёсининг кенгайиши билан ифодаланса, ташқи йўналишда мамлакатларни жаҳон бозорига йўналганлиги билан ажралиб туради.

Ана шу жараёнларнинг оқибатида давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайиши билан бир навбадда, бозорларни ҳудудий ва институционал миқёсда интеграциялашуви юз бермоқда.

Глобаллашув манбалари қаторида жаҳон бозори ва ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятига таъсир кўрсатувчи технологик тараққиёт жуда муҳим аҳамият касб этади. Технологик тараққиёт транспорт ва коммуникация сарф харажатларини кескин камайишига, ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш даврининг қисқаришига олиб келмоқда. Бунда электрон почта, интернет ва бошқа замонавий тизимларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши кагта роль ўйнамоқда.

Глобаллашувнинг иккинчи манбаи иқтисодиётнинг эркинлашуви, шу жумладан, савдонинг эркинлашуви билан боғланган. Иқтисодиёт ва савдонинг эркинлашуви протекционистик сиёсатни чеклаш ва жаҳон савдосини нисбатан эркин бўлишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида тарифлар сезиларли тарзда пасайтирилди, товарлар ва хизматлар билан савдо қилишда мавжуд чекловларнинг аксарият қисми бартараф этилди. Эркинлаштириш борасидаги бошқа чора тадбирлар капитал билан ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ҳаракатининг илдамлашишига сабаб бўлди.

Глобаллашув ва байналминаллашув жараёнларининг учинчи манбаи бўлиб, трансмиллийлаштириш феномени яъни трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) вужудга келиши, кўпайиши ва ривожланиши ҳисобланади. ТМКлар глобализация натижаси ва бир вақтнинг ўзида ушбу жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлмоқда. Уларнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги натижаси қатор ТМКлар фаолияти билан белгиланмоқда.

Глобаллашув жараёни кейинги 20-25 йилда капитал, технологиялар ва товарлар, меҳнат бозорларини кенг қатламли, бир-бири билан ўзаро алоқадор ТМКларга интеграциялашуви натижасида яна ҳам тезлашди ва чуқурлашди.

Бозор иқтисодиёти ва эркин савдо тизимини баҳолашдаги яқдилликни глобаллашувнинг тўртинчи манбаи сифатида кўрсатиш мумкин. Бундай яқдиллик 1978 йилда Хитойда иқтисодий ислохотлар эълон қилингандан кейин, марказий ва шарқий Европа давлатларида ва ундан кейинги даврда эса собиқ иттифоқ мамлакатларида амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Ушбу мамлакатлар ва уларни қўллаётган халқаро ташкилотлар ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланган Ғарб мамлакатлари ўзларининг асосий эътиборини бозорга ўтишининг уч шартига йўналтирмоқда. Булар:

- макроиқтисодийни барқарорлаштириш;
- баҳоларни эркинлаштириш;
- давлат корхоналарини хусусийлаштириш.

Шу вақтнинг ўзида собиқ иттифоқ республикалари ўрнида ҳосил бўлган давлатларнинг кўпчилигида бозор институтларини шаклланишига кам аҳамият берилганлигини таъкидлаш лозим. Бунинг оқибатида етарли даражада рақобат муҳити вужудга келмаяпти ҳамда интеграциялашаётган аралаш иқтисодийда давлатнинг алоҳида роли ҳисобга олинмаяпти.

Ваҳолабки, «глобал иқтисодий структура»ларнинг ҳар қандай фаолияти ҳозирги вақтда ҳам, яқин келажакда ҳам самарали фаолият кўрсатаётган давлат механизмини алмаштира олмайди. Глобаллашувнинг бешинчи манбаи маданий ва маърифий тараққиёт билан боғланган. Интеграциялашган гуруҳларда оммавий ахборот воситалари, санъат ва маданиятнинг ривожланишида кузатилаётган яқинлашиш, инглиз тилининг ягона муомала тилига айланиши миллий маданият ўрнини интеграциялашган маданият эгаллаётганлигини билдирмоқда.

Глобаллашувнинг асосий соҳаси бўлиб, халқаро иқтисодий тизим ёхуд жаҳон иқтисодиёти, унда амалга оширилаётган ишлаб чиқариш, алмашиш ва истеъмол муносабатлари ҳисобланади. XXI аср бошида жаҳон иқтисодиёти ўзида 230 сиёсий-маъмурий бўлақни, шу жумладан, 190га яқин давлатни жамлаган мураккаб таркибга эга бўлган тизимга айланган.<sup>2</sup> Глобаллашув барча мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. У товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, ишчи кучидан фойдаланиш, инвестициялаш, янги технологиялар тадбиқ этиш каби барча жараёнларда ўз ифодасини топмоқда. Мазкур жараёнларга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ва рақобатбардошлик шаклланмоқда.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, глобаллашув жараёни ташқи иқтисодий муносабатларда, шу жумладан, ташқи савдо ва инвестициялашда, айниқса, катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Зеро, қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол кўп жихатдан уни хомашё ва энергия манбаи билан таъминланишига боғлиқ бўлса, бошқа туркум мамлакатларида ушбу ҳолат капитал, истеъмол моллари ва ишчи кучи импорти билан белгиланмоқда.

<sup>2</sup> Экономическая социальная и политическая география мира. Регионў и странў. Учебник под ред. Проф С. Б. Лаврова и доц Н. В. Каледина. М.: Гардарики, 2002. 893- 905 б.

Халқаро муносабатларда вужудга келган мазкур вазият дунё миқёсида молиявий оқимлар ва хизматларнинг халқаро юқлар ташиш ҳажмини кўпайтиришни ва коммуникациялар тармоғини кенгайтиришни талаб қилмоқда.

Шу вақтнинг ўзида ривожланган мамлакатлар даромадининг 20% ва ривожланаётган давлатлар даромадининг учдан бир қисми бевосита экспортга боғлиқ. Айрим баҳоларга биноан, дунёда қайта ишловчи саноатда банд аҳолининг 40% - 45% ва хизмат соҳасида банд аҳолининг 10-12% бевосита ёки билвосита ташқи савдо билан алоқадордир. Ташқи савдо эса, дунё миқёсидаги даромаднинг қайта тақсимланишининг асосий воситачиси бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув миллий иқтисодиётларга, уларнинг ҳолати ва таркибига, экспорт-импорт муносабатларига, инвестициялаш ҳажми ва таркибига жуда катта таъсир кўрсатмоқда.<sup>3</sup>

Аввало, жаҳон савдосининг ривожланиш суръатларидан ҳам устун суръатларга эга бўлган тўғри хорижий инвестицияларни назарда тутиш лозим. Дарҳақиқат, ушбу капитал қўйилмалар замонавий технологияларни трансфертлашда, саноатни реструктуризациялашда, глобал миқёсдаги корхоналарни барпо қилишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Тўғри хорижий инвестициялар технология инновацияларга ҳам жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Янги технологияларсиз глобаллашув жараёнини, глобаллашув билан узвий алоқадор бўлган рақобатсиз янги технологияларни барпо қилишни ва уларни мамлакатлар ўртасида тарқалишини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви натижасида хизматлар, шу жумладан, молиявий, ҳуқуқий, бошқарув, ахборот соҳаларидаги хизматлар билан савдо қилиш ҳажми кескин ўсмоқда. Ҳозирги вақтда хизматлар савдоси халқаро савдо муносабатларининг асосий омилига айланди. Агар 1970 йилда хизматлар экспорти билан хорижий инвестицияларнинг учдан бир қисми алоқадор бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич ҳозирда 50%га етди. Яъни интеллектуал капитал жаҳон бозорида энг муҳим товарга айланди.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва кенгайишида фан-техника инқилоби ва фан-техника тараққиёти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Фан-техника инқилоби халқаро меҳнат тақсимо-

<sup>3</sup> Осьмова М. Н. ва бошқалар. Глобализация мировой экономики и устойчивое развития как императив современного этапа человеческой цивилизации. М.: ТЕИС, 2001 39-40 б.

тини яна ҳам чуқурлашишига ва фанталаб маҳсулот билан алмашинишнинг тезлаштиришига сабаб бўлди.

Ушбу жараёнлар таъсири остида товарлар экспорти таркибида катта ўзгаришлар юз берди. Агар XX аср 90- йилларигача халқаро савдо асосан хомашё билан олиб борган бўлса, ундан кейинги даврда тайёр буюмлар салмоғи тинимсиз ўсиб борди ва 2002 йилда жаҳон товар айланмасининг учдан икки қисмини ташкил этди. Янги тармоқлар ва ишлаб чиқариш йўналишларининг вужудга келиши қатор мамлакатларни ёқилғи ва хомашёнинг баъзи бир турларига, жумладан, рангли металллар, нефть ва газга бўлган эҳтиёжларининг ўсишига олиб келди. Чунончи, АҚШ эҳтиёжларини қондиришда импортнинг улуши металл бўйича 85%га, марганец бўйича 100%, бокситлар бўйича 96%, никель бўйича 75%га тенг. Бундай ҳолат Ғарбий Европа мамлакатларига ва Японияга ҳам хос.

Маълумки, XX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврда хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми иқтисодий қолоқ мамлакатларга, уларда мавжуд экспорт тармоқларга йўналтирилган. Ҳозирги вақтда вазият кескин ўзгарди. Инвестициялар саноати ривожланган бир мамлакатдан бошқа мамлакатга, занжирсимон йўналишда тадбиқ этилмоқда. Бу эса, ишлаб чиқариш ва капитални байналминаллашувини яна ҳам кучайтишига сабаб бўлмоқда. ТМҚларни бир-бирига кириб бориши натижасида интеграциялашувнинг янги шакли – альянслар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Масалан, Япониянинг «Фудзису» компьютер фирмаси «Тексас инструменте», «Сименс» ва «Хитачи» компаниялари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ана шу омилларнинг бевосита ва билвосита таъсири остида халқаро товар айирбошлаш ҳажми жуда юқори даражага етди.

Юқорида кўрсатилган омиллар таъсирида халқаро товар айирбошлаш ҳажми қисқа тарихий давр ичида яъни, 1970-2002 йилларда 17 мартага ўсди.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши маҳсулотни ташқи бозорга чиқариш билангина асосланмасдан балки, маълум турдаги товарларни хориждан олиш билан ҳам боғлангандир. Ташқи бозор айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун катта аҳамият касб этади. Чунки, бундай мамлакатларнинг кўпчилиги чекланган ички бозорга эга.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ФТИ даврида ривожланишида самарали замонавий техника ва технологиялардан, лицензиялар ва «ноу – хау»ларни харид қилиш йўли билан фойдаланиш сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ўринда ривожланган давлатлар салмоқли ҳаракатларни амалга ошираётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Жумладан, 2002 йилда Япония, ГФР ва Францияда лицензиялар харид қилишга кетган ҳаражатлар уларни сотишдан олинган даромадлардан юқори бўлди.

ФТИ таъсирида мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқалари борган сари мураккаблашиб, кенгайиб бормоқда. Мана шундай ташқи иқтисодий алоқалар заминида умумжаҳон хўжалик алоқаларининг мажмуали тизими ҳосил бўлмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосини ҳанузгача савдо эгаллаб келмоқда. Лекин унинг ТИА даги аҳамияти ва салмоғи йил сайин камайиб бормоқда.

Яқин келажакда, йирик олим ва мутахассисларнинг башоратига кўра, халқаро меҳнат тақсимооти чуқурлашишда, ривожланишда давом этади. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти ташқи ишлаб чиқарувчиларга асосланишда давом этади. Бу хомашё ва ресурслар етказиб берувчи тармоқларга, айниқса кўпроқ хос бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти асосан экстенсив йўналишда ундирувчи саноатга таянган ҳолда ривожланади.

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакат ички бозорини шакллантириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини қайта қуриш жаҳон хўжалигига бирлашишга интилиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Бунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига хос моделлар, иқтисодий муаммоларни бартараф этиш тажрибалари ва ютуқлари ички иқтисодиётнинг юксалишида муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон чет элдан қўшимча моддий-молиявий ресурсларни ва бошқарув тажрибасининг илғор ютуқларини иқтисодиётга жалб этиш мақсадида, ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча шаклларини ривожлантирмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг хилма-хил ва юқори сифатли товарларга бўлган талабини қондиришга, хизматлар соҳасини хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолининг иш билан таъминланишини яхшилашга эришиш, хорижий мамлакатларнинг интеллектуал, маданий ва тарихий қадриятларидан баҳраманд бўлишга йўналтирилгандир. Бирок, республика иқтисодиёти тармоқларида туб ислохотларни амалга ошириш, барқарор иқтисодий муҳитни яратиш, жаҳон хўжалигига бирлашиш ва унда ўз мақомига эга бўлиш учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришни ҳосил қилиш учун устувор тармоқларга замонавий тажриба ҳамда технологияларни олиб кириш лозим.

Шу мақсадда қуйидаги тамойилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Жаҳон хўжалигида етакчи мақомга эга бўлган давлатлар хўжалигига хос хусусиятлар ва тамойилларни чуқур таҳлил этиш;
- иқтисодиётда ихтисослашган тармоқларнинг экспорт салоҳиятини оширишдаги муаммоларни тадқиқ этиш ва бартараф этишда жаҳон тажрибасига таяниш;
- ривожланган ва ривожланаётган давлатлар билан амалга оширилган экспорт ва импорт муносабатларида «мониторинг» тизимини шакллантириш;
- экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантиришда мамлакат ресурс салоҳиятига таяниш;

• ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда мамлакатнинг иқтисодий географик ўрни ва ташқи иқтисодий фаолият географиясига аҳамият бериш.

Хуқуқий демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёти мамлакат иқтисодиёти, ундаги соҳа ва тармоқларда бири-бирини тўлдирувчи ҳамжихатликни, ўз бюджети маблағлар билан молиялаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойилига амал қилиш, янги авлод келажаги учун майда элементларга қадар ечимини топиши лозим бўлган муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқдаки, бу ҳол янги ислохотлар даврининг бошланиши учун кенг йўл очмоқда.

Иқтисодиётда халқаро тенг манфаатли ҳамкорликни ўрнатишга интилиш орқали Ўзбекистон янги ишлаб чиқариш муносабатларида, иқтисодий барқарорлик ва товар айирбошлашда халқаро тамойилларга риоя этмоқда. Саноат ишлаб чиқаришида янги турдаги маҳсулотларнинг пайдо бўлиши маҳаллий аҳолининг ҳаётий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш билан бирга, қўшни давлатлар ички бозорларига рақобатбардош, истеъмол талабларини қондирадиган маҳсулотлар чиқариш имконини берди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси юқорилиги жиҳатидан жаҳонда ўзига хос нуфузга эга давлатлар билан ҳамкорлик мамлакатимиз қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги даражаси ва экспорт салоҳияти ортиши учун хизмат қилмоқда.

Президент И.Каримов «...экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорига кириб бориш учун аввало, қимматбаҳо хомашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш зарур. Хорижий шериклар билан биргаликда замонавий ихчам корхоналар барпо этиб, уларни меҳнат ресурсларининг манбалари бўлмиш қишлоққа яқинлаштириш лозим»<sup>4</sup> - деб таъкидлагани бу борадаги муҳим таклиф ҳисобланади.

2008 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларининг энг муҳим йўналиши - экспортнинг 65,8 фоизга тенг қисми СНГ давлатлари билан ва 34,2 фоизга тенг қисми бошқа хориж билан амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, ташқи алоқаларни кенгайтириш, мамлакатимиз экспорт имкониятларини рағбатлан-

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. «Ўзбекистон». 1998, 146 бет

тириш максадида, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо фаолиятини рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида», «Давлат солиқ ва божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида», «Экспорт-импорт операциялар устидан валюта назоратини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва бошқалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

2000 йил 26 майда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Олий Мажлиснинг 77-11-сонли қарори қабул қилиниши шулар жумласидандир. Шунга кўра, ташқи иқтисодий фаолият деганда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатлар юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан узаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;
- савдо иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда узаро манфаатдорлик;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий тартибга солишда махсус қонунлар билан бирга, фуқаролик қонунчилиқ қоидалари (Фуқаролик кодексининг 1–4- ва 6- бўлимлари), мулкчилик, ер ва ер ости бойликлари, корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги умумий қонун ҳужжатлари, шунингдек, акциядорлик, банк, солиқ ва бож қонунчилиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган. Ушбу

қонун ташқи иқтисодий алоқалардаги қатнашчиларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқнинг умумий мулкчилик шаклларида қатъий назар, ҳимоя қилинишини таъминлаб, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишининг ҳуқуқий асосини яратеди. Қонунни амал қилиши ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча турлари ва шаклларига, шу жумладан, иқтисодий, илмий-техник, маданий ҳамкорликка, кадрлар тайёрлашга, ташқи ва чегара савдосига, суғуртага, банк, транспорт операциялари, туризм ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги бошқа фаолиятларга тадбиқ этилади.

Қонунга кўра, ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланган:

- халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- ташқи савдо фаолияти;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

Қонун Ўзбекистон давлат органларининг чет эл сармоясига нисбатан муносабатини белгилаб беради ва хорижий шериклар билан ҳамкорлик истиқболларини ҳисобга олади, ўрнатилаётган муносабатларнинг барқарорлигини кафолатлайди. Чунки капитал қўйилмаларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан тузилаётган битимнинг амалий тус олишига боглиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги 232-сонли қарорида давлат бошқаруви органлари ва бозор инфратузилмасининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалари аниқ белгилаб берилди. Унда жумладан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига бошқа субъектлар қаторида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини ҳам ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларга ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишларида кўмаклашиш вазифалари юкланди<sup>5</sup>.

Бозорни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида амалдаги қонунларга уларнинг қўлланилиши амалиёти нуктаи назаридан доимий равишда тузатиш киритиш, янги ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, бозор муносабатлари фаолияти соҳасини кенгайтириш ва уларни мустаҳкамлаш

<sup>5</sup>Богуславский М.М. Иностранные инвестиции-правовое регулирование. Москва, «Бек». 1996.

зарур. Бозорни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муқобил шарти унинг тизими ҳисобланади. Қонунлар ва қонунга асосланган ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўзаро мустаҳкам алоқадорликда бўлиши ва ижтимоий йўналтирилган яхлит бозор механизмнинг ҳуқуқий тизими тезроқ ташкил этилишини жадаллаштириши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, савдо-бозор муносабатларининг ҳуқуқий базаси иқтисодий қонунларга мувофиқ келмаслиги мумкин эмас. Бозор қонунлари туркуми ўзаро боғланган бўлиши ва фуқаролик кодекси базисини қуришга мувофиқ бўлиши, тизимнинг хусусий ҳуқуқ нормаларига асосланганлигини кафолатлаши керак.

Ташқи савдо фаолияти ривожини ва уни тартибга солиш ишлари асосан қуйидагилардан иборатдир:

- ташқи савдонинг экспорт-импорт битишувлари бўйича ихтисослаштирилган ташқи савдо уюшмаларининг анча чекланган доираси қўлида жамланган монополлаштирилган тизимни тугатиш;
- бир қанча субъектлар – ташқи савдо қатнашчилари, шу жумладан, воситачилар сафини анча кенгайтириш;
- ташқи савдо айланмасининг тузилмасига ва географиясига эътибор бериш ва марказлаштирилган таъсир кўрсатишни йўқотиш;
- экспорт ва импортнинг иқтисодий қўзғатувчилари – бож тарифлари ставкалари ва сўм курсларини белгилаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ички валюта бозорини ташкил этиш;
- ташқи савдони маблағ билан таъминлашда давлатнинг аҳамиятини камайтириш, экспорт ва импортнинг ҳисоб-китоб-кредит сервисини соҳасига тижорат банкларининг сўмдаги ва хорижий валютадаги маблағларини жалб қилиш.

Бугунги кунда республикада халқаро молиявий ҳамкорликда иштирок этиш учун зарур ҳуқуқий база тайёрланган. Валюта операциялари устидан давлат назоратининг бозор тамойилларига жавоб берувчи тизими яратилган. Миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилган ва ягона тўлов воситаси сифатида унинг родини кучайтиришга эришилган. Валюта бозорининг ташқи фонд биржасини ривожлантириш учун ҳуқуқий шартларни ташкил этиш таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ)ни дунёвий андозаларга мос, замон талабларига жавоб бера оладиган даражасини ташкил қилиш мақсадида Президент фармонида кўра, 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига айлантирилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари тартиби «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган. Ушбу қонун ташқи иқтисодий алоқалардаги қатнашчиларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулкни халқаро ҳуқуқларнинг умумий мулкчилик шаклларида қатъи назар, ҳимоя қилинишини таъминлаб, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишининг ҳуқуқий асосини яратади. Қонуннинг амал қилиши ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча турлари ва шаклларига, шу жумладан, иқтисодий, илмий-техник, маданий ҳамкорликка, кадрлар тайёрлашга, ташқи ва чегара савдосига, суғуртага, банк, транспорт операцияларига, туризм ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги бошқа фаолиятга тадбиқ этилади.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳақида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги 2000 йил 26 майдаги Олий Мажлиснинг 77-11-сонли қарорига илова қилинган қонуннинг 12-моддасига кўра ҳам бу худди шундай эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши қайд этилган.

2005 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан тўғри хусусий инвестицияларни рағбатлантиришнинг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги корпорацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Кўпгина иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасида шу нарса кузатиладики, ташқи иқтисодий алоқаларда бир ёки белгиланган маълум тармоқларни ривожлантирилишига эътибор қаратилмай, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни шакллантириш учун, ҳудуддаги мавжуд барча тармоқлар қамраб олиниши лозим. Бу ўринда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан мисол келтиришимиз мумкин. Масалан, 1950-1960 йиллар давомида АҚШ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга эътибор қаратди. Унда асосан, экин майдонларига ишлов беришнинг ўша даврга хос замонавий усулларини тадбиқ этди. Чорвачиликда эса, соҳага оид илмий ютуқларни ва технологияларни қўллаш оқибатида, маҳсулдорликнинг тизимли ўсишига эришди. 1949

йилдан 1963 йилга қадар экин майдонларини 24 млн. гектарга яъни, 17 фозизга қисқартирган, бироқ шу йиллар давомида маҳсулдорлик 23 фозизгача ўсган.<sup>6</sup>

Бу тўғрисида ўша йиллардаги АҚШ конгресси қишлоқ хўжалиги комиссиясининг қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассиси доктор В.Вилкокс ўз маърузасида ахборот берган.

Шу йиллар давомида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги лойиҳага нисбатан 1,7 марта ўсганлиги қайд этилган. Шунингдек, шу давр мобайнида, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик 67 фозизга, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги эса 31 фозизга ўсган.

Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор берган:

- қишлоқ хўжалиги усқуналарининг қувватини ошириш;
- сунъий ва минерал ўғитлардан кенг масштабда самарали фойдаланиш;
- деҳқончиликда уруғчилик ва чорвачиликда наслчиликка жиддий эътибор бериш;
- қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши курашда кимёвий воситалардан фойдаланиш;
- ердан фойдаланишда суғориш иншоотларини замонавий жиҳозлаш;
- таннархи арзон бўлсада, маҳсулдорлиги юқори бўлган экинларни етиштириш.

Албатта, ўша даврлардаги АҚШ тажрибаси қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар тарихида муҳим янгилик бўлмаслиги мумкин, аммо бозор муносабатларига асосланган бошқарувда ҳам давлат доимо ислохотлар етакчиси бўлиб қолаверишига эътиборни қаратмоқ лозим. Ташқи иқтисодий алоқаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти катта даромад келтирмайди. Бунга мисол тариқасида, сўнгги йиллар давомида жаҳон бозорида пахта таннархининг тушиб кетишини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш, экспорт муносабати валюта фондининг ортишида катта хизмат кўрсатмасада, мамлакат ички истеъмоли учун олиб келинадиган маҳсулотлар импортини қисқартиришни, ички истеъмолини ва баъзи соҳаларнинг мутлоқ мустақиллигини таъминлайди.

<sup>6</sup> Е.А.Громов. «Воспроизводство конечного общественного продукта США». Изд-во «Наука», Москва. 1966., 294 б.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Ғалла мустақиллиги» худди шундай муаммолардан бири эди.

Кейинги даврларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, саноатни қишлоқларга олиб кириш мақсадида, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Бироқ, кўпгина қўшма корхоналар фаолияти фақатгина технологик дастгоҳларни келтириш ҳамда воситачиликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунда қўшма корхоналарнинг хорижий таъсисчилари соҳа учун зарур бўлган ускуналарни сотиш ва шу орқали даромад орттиришга интиломоқда. Лекин маҳсулот истеъмолчиларини излаб топиш, истеъмол учун яроқли бўлган маҳсулотлар турлари миқдорини кенгайтириш масаласи доимо маҳаллий тадбиркорлар зиммасида қолаверади. Шунинг учун, кичик ва ўрта бизнес фаолиятини назорат қилиш мақсадида «мониторинг» тизими самарали ташкил этилиши лозим. Акс холда, қўшма корхоналарнинг тўла қувватларда ишлаши рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишга эришилмайди. Бу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- худудларда инвестиция фаолияти билан шуғулланадиган маркетинг ташкилотларини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасига имконият даражасида кўпроқ инвестициялар киритиш;
- худудларда қўшма корхоналарни ташкил этиш учун маҳсулотнинг хомашё захираси, жойнинг географик шарт-шароити ва истикболларига эътибор қаратиш;
- жалб қилинган инвестицияни тўғри йўналтириш йўлларини кўрсатиш;
- инвестиция киритиладиган худудларнинг иқтисодий имконият ва шарт-шароитларини тўғри баҳолаш;
- бозор талаблари даражасидаги товарлар ишлаб чиқариш учун маҳаллий тадбиркорларни маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги, истеъмол қиймати, корхоналар фаолиятини кенгайтиришга оид замонавий ахборотлар ва кўрсатмалар билан ўз вақтида таъминлаш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт имкониятларини ўрганиш талаб этилади.

Юқорида таъкидлаганларимиз, ташки иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, янги турдаги маҳсулотларнинг пайдо бўлиши, аҳоли бандлигининг таъминланиши ва ҳаётий эҳтиёжларининг қаноатлантирилиши билан бирга, қўшни давлатлар ички бозорларига рақобатбардош истеъмол талабларини қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

## ИНСОН, МИНЕРАЛ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ОМИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси – улкан инсон салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир. Унда 2009 йил 1 январга нисбатан меҳнат ресурслари жами аҳолининг 57,2 фоизини ташкил этди. Меҳнат ресурслари ҳар йили 400 минг кишига ўсмоқда. Аҳолининг ўртача ёши 25 ёшни ташкил қилади. Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва тараккий эттиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Республика аҳолисининг сони 2009 йилнинг бошида 27,4 млн. кишини ташкил этди. Ўзбекистон аҳолиси бир кечакундузда салкам 1000 кишига, ойига 30 мингдан зиёд, йилига эса салкам 300 минг кишига кўпаймоқда. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг ўсиши – йилига ўртача 1,9%, ўртача умр даври – 69 йилни (қишлоқда 69,3, шаҳарда 71,2) ташкил этади. Аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган вилоятларга: Сурхондарё (19,2%), Қашқадарё (19,4%), Жиззах (17,6%) вилоятлари киради.

Ўзбекистонда аҳолининг салкам 36,7 фоизини 14 ёшгача бўлганлар ташкил қилади, 2004 йилда аҳолининг табиий ўсиши ҳар 1000 кишига 14,7 кишини ташкил қилди. 2005 йилнинг бошида қишлоқ жойларда 16,6 млн. киши ёки мамлакат аҳолисининг 63,6 фоизи яшайди. Қишлоқ аҳолисининг умумий таркибида 8,8 миллион киши ёки 54,08 фоиз аҳоли меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшда. Шундан 5,5 миллион киши (70,5 фоизи) иш билан банд.

Статистика маълумотларида қайд этилишича, меҳнат ресурсларининг 33,5% и қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқда. Аҳолининг 63% и қишлоқ ҳудудларида яшамоқда. Аҳоли тўғрисидаги бу маълумотлар унинг республика қишлоқ хўжалиги учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Қишлоқ жойларда меҳнат базаларининг асосий муаммоси – иш ўринларининг талаб даражасидан пастлигидир. Бу узоқ давр мобайнида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари етарли ривожланмаганлиги сабабли пайдо бўлган.

Бундай номувофиқликни ишсизлик, ишлашни хоҳлайдиган, лекин, турли сабабларга кўра бандлик хизматларида рўйхатга олинмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли тўпланганлигида

кузатиш мумкин. Қишлоқ жойларда меҳнатни қўллаш соҳаларининг камлиги туфайли иш кучига бўлган талабнинг пастилиги амалда республиканинг барча минтақаларига хос хусусиятдир.

### 1-жадвал

#### Республика аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг ҳудудий тақсимланиши

№	Ҳудудлар	Аҳоли сони, % ҳисобида	Меҳнат ресурслари, % ҳисобида
	Ўзбекистон Республикаси	100	100
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	6,1	6,0
2.	Андижон вилояти	9,0	9,1
3.	Бухоро вилояти	5,8	6,0
4.	Жиззах вилояти	4,0	3,8
5.	Қашқадарё вилояти	9,1	8,5
6.	Навобй вилояти	3,1	3,2
7.	Наманган вилояти	7,9	7,8
8.	Самарқанд вилояти	11,0	10,6
9.	Сурхондарё вилояти	7,2	6,7
10.	Сирдарё вилояти	2,6	2,6
11.	Тошкент вилояти	9,5	9,8
12.	Фарғона вилояти	10,9	10,8
13.	Хоразм вилояти	5,5	5,4
14.	Тошкент шаҳри	8,3	9,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, меҳнат ресурслари бандлиги борасида айрим ҳудудий номутаносибликлар мавжуд. Бу номутаносибликлар қишлоқ хўжалигида янги хўжалик юритиш шакллариининг ривожланиши билан ўз ечимини топади. Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ аҳолиси сонининг ўсишида нисбатан юқори суръатлар сақланиб қолади. Умуман олганда, 1997–2008 йилларда меҳнат қилиш ёшига етган ва ишга жойлашишни талаб этадиган кишилар сони ўсиб борди.

<sup>†</sup> Жадвал Республика Статистика давлат қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. Қаранг: Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2003 год. Ташкент, 2004. с. 101

Янги иш ўринлари аксарият ҳолларда саноатда, моддий ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган тармоқларида шаклланмоқда. Бу эса, қишлоқ жойларда, яъни ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари кам ташкил этиладиган ҳудудларда бандликни таъминлашнинг сунъий ечимини ҳосил қилиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда.

Янги иш ўринларини ташкил этиш ва бандликни истиқболли таъминлаш учун қуйидаги йўналишларни ривожлантириш лозим:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг замонавий механизмларини ўзлаштириш;

- деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик хусусий корхоналар ташкил этиш;

- хусусий тадбиркорликни расмийлаштирувчи ва улар фаолиятини назорат қилувчи уюшмалар, палаталар, концернларда «Мониторинг» тизимининг намунавий усулларини жорий этиш;

- фермер хўжалиklarининг хорижий ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи муассасалар фаолиятини ривожлантириш;

- фермер хўжалиklarининг рақобат майдонини кенгайтириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Агар АҚШ, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатлардаги яъни маҳсулотнинг 60–65% га яқини кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 62% и қишлоқ аҳолиси эканини эътиборга олсак, бу масала янада долзарб аҳамият касб этади.

Республиканинг чекка ҳудудларида маълум мутахассисликни эгаллаган ёшларнинг кўпчилиги учун иш ўринларини эгаллаш, ўз билими ва қудратини амалда курсата олиш имконияти мавжуд эмас. Кейинги даврларда қишлоқ ёшларининг аксарияти шаҳарларда ишлаш ва яшашга интилмоқда. Бунга жойларда бандликни таъминлашнинг сунъий ечимининг мавжудлиги, мавжуд корхоналар фаолиятининг самарасизлиги ёки ишни талаб даражасида ташкил эта олмаётганликлари каби омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ер ва сув захиралари жуда муҳим аҳамиятга эга, шунингдек, суғориладиган ер фонди суғоришга ишлатиладиган сув миқдори билан лимитланган. Суғориладиган ерлар мамлакат ҳудудининг салкам 10% ини ташкил этгани ҳолда (3,7 млн. га.), қишлоқ хўжалик яъни маҳсулотининг 95% дан кўпрогини беради. Бироқ, суғориладиган ерларнинг қарийб ярми шўрланган, сув захиралари етишмаслиги сабабли суғориладиган

қўшимча ерларни деҳқончиликка жалб этиш чекланган, зеро, бундай захиралар ҳозирги кунда ҳақиқатан ҳам тугаган. Ўзбекистон тасарруфидаги сув захиралари (яъни Орол ҳавзаси давлатлари билан тузилган битимга мувофиқ мамлакат фойдаланиши мумкин бўлган сув миқдори) 2010 йилгача бўлган даврда 59,2 куб км.ни ташкил этди. Шундан 52,4 куб км. дарё сувиغا, 4,9 куб км. коллекторлар, зовурлар оқавасига, 1,9 куб км. ер ости сувларига тўғри келди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига таъсир этувчи муҳим омил – сув ресурсларининг ҳудудий тақсимланганлиги ва ривожланганлигидир. Таҳлилларга қараганда, ҳар иккала дарё билан бирга Орол ҳавзасининг барча дарёлари сувларидан тўла-тўқис фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, суғориш учун керак бўлган сувларнинг етишмовчилиги муаммоси вужудга келди. Ўзбекистондаги дарёларнинг аксарият қисми қўшни республикаларнинг ҳудудларидан бошланади. Давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳам бу муаммоларнинг қай даражада бўлишини белгилаб беради.

Республика 448,9 минг кв.км. майдонни ёки 45 млн. гектар ерни эгаллайди<sup>8</sup>. Унинг 61% идан қишлоқ хўжалигида (шундан: 82% и яйлов сифатида ва фақат 18% и деҳқончиликда), 3,6 % и ўрмон хўжалигида фойдаланилади. 2% ини алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар эгаллаган ва 26% и фойдаланилмайдиган ҳудудлардир. Қолган қисми (6,9%)дан: шаҳарлар (0,5%), гидротехник иншоотлар (1,5%), саноат, транспорт ва бошқа қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун (4%) фойдаланилади.

Ҳозирги кунда 4,2 млн. га. ерда обикор деҳқончилик қилинмоқда. Тоғли минтақаларда асосан жигарранг, кўнғир ва ўтлоқ дашт тупроқлари тарқалган. Уларнинг майдони тахминан 2,6 млн. га.гача боради. Республикада қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳудудий тақсимланиши ҳам ўзига хосдир.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 1 кв.км.га 57 киши тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, ерга бўлган демографик юк ҳам каттадир. Бу кўрсаткич Марказий Осиё мамлакатлари кўрсаткичларидан катталиги билан тавсифланади.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 111-б.

**Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ҳудудий тақсимланиши, % ҳисобида<sup>9</sup>**

№	Ҳудудлар	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар	Ҳайдаладиған ерлар
1.	Ўзбекистон Республикаси	100	100
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	19,4	5,2
3.	Андижон вилояти	0,9	6,5
4.	Бухоро вилояти	11,2	6,7
5.	Жиззах вилояти	4,7	9,7
6.	Қашқадарё вилояти	8,2	13,2
7.	Навоий вилояти	36,8	2,9
8.	Наманган вилояти	1,4	6,2
9.	Самарқанд вилояти	4,8	9,9
10.	Сурхондарё вилояти	4,5	8,0
11.	Сирдарё вилояти	1,4	7,2
12.	Тошкент вилояти	3,2	9,8
13.	Фарғона вилояти	1,4	8,3
14.	Хоразм вилояти	2,1	6,4

Марказий Осиёда жон бошига тўғри келадиған экин майдонларининг озлиги ҳам сир эмас. Марказий Осиёдаги айрим мамлакатларда ерга бўлған демографик юк 1 кв.км.га аҳоли сони Ўзбекистонда 61 киши, Қирғизистонда 23, Қозоғистонда 6 киши, аҳоли жон бошига тўғри келадиған суғориладиған ерлар шунга мувофиқ равишда 0,13; 0,26; 1,54 гектарни ташкил этади.

Ўзбекистонда мураккаб рельеф шароитлари шакллангани боис, унда қишлоқ хўжалиги ерларининг тақсимланиши Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига кўра кескин фарқ қилади. Юкоридаги жадувалдан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида суғориладиған ерларнинг захиралари жуда кўп. Аксинча, қадимий обикор минтақаларида анча кам. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси эгаллаб турған

<sup>9</sup> Жадувал Республика Статистика давлат қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

майдоннинг анчагина қисмини Қорақум, Қизилқум ва Устюрт каби чўл ва чала чўллар эгаллаб ётибди.

Маълумки, ер ресурслари билан боғлиқ муаммолардан бири унинг аҳоли жон бошига нисбатан камлиги ёки бошқача сўз билан айтганда, ерга бўлган демографик юкнинг юкорилиги билан боғланган. Суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғи чўл минтақаларига тўғри келади. Уларнинг 60% и автоморф, қадимдан суғориладиган маданий тупроқлардир. Булар асосан дарё қайирида жойлашган. Қизилқум ва бошқа чўл яйловлари 26 млн. га. тенг бўлиб, шуларнинг ярми қум ва қумоқ тупроқлардир.

Бироқ, ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг аксарият қисмида шўрланиш даражасининг ортиб борётганлиги, бегона ўт босиши ҳолатлари кузатилади. Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигининг тушиб кетиши ва ортиқча меҳнат сарфи ва сув сарфига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби 1960-70 йиллардаги «Бўз ерларни ўзлаштириш» даврида қурилган дренаж-коллектор тизимларининг яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги, ерларни ўз вақтида ва чуқур ҳайдаш ишларининг амалга оширилмаётганлигидир. Аммо, бугунги фан техника ривожланган шароитда дренаж тизимларини таъмирлаш, агротехник таъминотни йўлга қўйиш мураккаб вазифа эмас, бу жойлардаги бошқарув органларининг лоқайдликлари оқибатидир.

Шу йилларда Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион АҚШ доллари бўлган иккита лойиҳа амалга оширилган<sup>10</sup>.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланишига таъсир этувчи омиллардан яна бири ўсимлик дунёси ҳисобланади. Республиканинг агроиқлим ресурслари иссиқсевар техника экинлари (пахта, каноп, тамаки, зиғир), донли экинлар (буғдой, шоли, маккажўхори), узум, сершира мевалар (жумладан, субтропик мевалар) ва полиз экинларини кўплаб етиштириш имконини беради. Ўсимлик дунёси саноат учун керакли хомашё ресурсларидан бири ҳисобланади. Агар қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан қаралса, ўсимлик дунёси чорва учун табиий яйловлар вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикасининг ўсимлик дунёси табиий шароитларга мос равишда тарқалган. Бу ерда шуни таъкидлаш

<sup>10</sup> Қаримов И.А. «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Ўзбекистон овози. -2014 йил, 7-июнь

керакки, мамлакатда мавжуд ўсимлик дунёсининг 90% дан ортиги чорва моллари учун ярқли озуқа ҳисобланади. Статистик далиллар ва чорвачилик масалалари билан шуғулланадиган олимларнинг тадқиқотларига кўра, кумли ва чўл яйловлари йилига ҳар гектар ер майдони ҳисобига 3–5 центнердан хашак беради. Устюрт яйловлари эса 2–4 центнер хашак беради. Тоғли худудларнинг ўсимлик дунёси текисликларга қараганда бойроқ ҳисобланади. Ҳар гектар ердан олинадиган хашак текисликларга нисбатан 3 баробарга кўп ва тахминан 15 центнерга етади. Бундай имкониятларнинг мавжудлиги Ўзбекистонда чўл яйлов ва тоғ яйлов чорвачилигини ривожлантириш имконини беради.

Юқорида кўриб чиққанвимиздек, табиий омилларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга таъсири жуда катта. Лекин, табиий ресурслардан фойдаланишнинг оқибатида экологик вазият кескинлашмаслиги лозим. Республика худудининг аксарият қисмида ёғинларнинг кам тушуши, баъзан йилнинг қурғоқчил келиши чўллашиш жараёнининг кенгайишига олиб келмоқда.

Тадқиқотларга кўра, ўрғача катталиқдаги тоғ арчаси ўз илдизи атрофида  $1\text{ м}^3$  сувни йил давомида тутиб тура олар экан. Шу нуқтаи назардан қаралганда, тоғли минтақаларда ўсимликлар қопламининг қалинлиги доимий ўтлоқлар билан ва ички сувларнинг йиллик режимини таъминлашнинг муҳим омилли, бу эса ўз навбатида, саноат ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини таъминлашнинг гаровидир.

Республика бой табиий ёқилғи захираларига ва ривожланган энергетика базасига эга. Газ захиралари 2 триллион куб метрга яқинни, кўмир 2 млрд. тоннадан зиёдрокни ташкил этади. Углеводород захираларининг жами 11 млрд. тонна шартли ёқилғига тенг. Энергетика мустақиллигига эришиш учун нефть ишлаб чиқариш мустақиллик йилларида уч ҳисса ошди ва 2007 йилда нефть қазиб чиқариш газ конденсати билан бирга 5,1 млн. тоннани ташкил этди.

Жанубий Кореянинг «Лотте групп» ва «Эс-Ти-Икс Энержи» компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда Суғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиш лойиҳаси 2012 йилдаги дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди. 2016 йили ишга туширилиши кўзда тутилаётган ушбу мажмуа 4,5 миллиард куб табиий газни қайта ишлаш натижасида 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб

чиқариш имконини беради. Йиллик экспорт ҳажми 750 миллион АҚШ долларида ошади.

Қашқадарё ҳудуди табиий ресурсларга, жумладан, табиий газ, нефт ва бошқа қазилма бойликларига бой ҳудуд ҳисобланади. «Шуртангазкимё» мажмуасида йилига 4 миллиард метр куб газ қайта ишланиб, ундан 125-130 минг тоннагача полиэтилен маҳсулотлари, 105 минг тонна газ конденсати, 110 минг тонна суюлтирилган газ ва 4 миллиард метр кубга яқин тозаланган газ ишлаб чиқарилади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Италия, Покистон, Польша, Нидерландия, Венгрия, Эрон каби давлатларга экспорт қилинмоқда<sup>11</sup>.

Ўзбекистон кўмир конлари ҳозирча маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг энг муҳимлари Ангрен, Шарғун ва Бойсун конлариридир.

Фойдали қазилмаларнинг кўп тури аралаш жойлашиши билан бирга, улар қатламларининг қалинлигига кўра бири иккинчисини тақорламайдиган хусусиятга эга.

«Марказий Осиё минтақасида тўпланган газ конденсати захираларининг деярли 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади»<sup>12</sup>. Бу нафақат ички эҳтиёжларни қондиришга, балки уни экспорт қилишга ҳам имконият яратди. Ўзбекистон дунёда энг йирик газ қазиб олувчи мамлакатлар ўнлигига киради. Бухородаги янги нефтни қайта ишлаш заводи ҳисобига нефтни қайта ишлаш ҳажми ҳам анча ошди.

Республиканинг энергетика мустақиллиги ҳал этилган. Республикамизда катта дарёлар, шунингдек, оқиб турган каналлар ва сув омборларига қурилган 30 та ГЭС 9 млрд. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқармоқда. Бу ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 15%гига тенг. Электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқишда фойдаланиладиган бирламчи энергия захиралари орасида газ ёқилғисининг ҳиссаси 84% ни, мазут 11% ни, кўмир 5% ни ташкил этади.

Ўзбекистон ҳудудида 1000 га яқин минераллар хомашё турлари борлиги аниқланган бўлиб, улардан 900 таси ўрганилган. Республиканинг айрим минтақаларида тадбиркорликни шаклланд

<sup>11</sup> Узоков Н. Мустақиллик фаровонлик қафолати // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -2013.- №3-4. -Б.33.

<sup>12</sup> И.А.Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 96-б.

тириш ва ривожлантириш шарт-шароитларини уларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти республикада тадбиркорликни ривожлантириш бўйича энг қудратли салоҳиятга эга. Бу ҳудуднинг Ўзбекистонда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 30% дан кўпроқни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деярли 15% ни ташкил этади. Бу ерда 4.5 млн.дан ортиқ киши яшайди. Ҳудудда рангли металллар, асбест, волостонит, кварц кумлари, иссиқбардош ғиштлар, цемент олинадиган ва бошқа қурилиш хомашёлари мавжуд. Тошкент вилояти хилма-хил фойдали қазилма турларига бой бўлиб, минерал ресурслардан саноатда самарали фойдаланилмоқда. Минерал ресурсларнинг кўплиги ва захирасининг катталиги саноат тармоқлари ривожининг асосий омили ҳисобланади. Айни пайтда вилоят республика доирасида цементнинг 43% ини, пўлат ва металлпротоннинг 100% ини, рангли металлларнинг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда. Бинобарин, Олмаликдаги тоғ-металлургия ҳамда Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинатларида рангли металл ва металл прокатининг асосий қисми ишлаб чиқарилади.

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудида рангли металллар, волостонит, қурилиш материаллари каби қазилма бойликлари мавжуд. Фарғона водийси ҳудудида хилма-хил фойдали қазилма конлари аниқланган. Шуларнинг ичида нефть, табиий газ, олтингургурт, қумуш, вольфрам, мис, олтин, молибден, ҳар хил қурилиш хомашёси ҳозирги вақтда қазиб олинмоқда.

Зарафшон водийсидаги Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари) эса нефть, табиий газ, вольфрам, корунд, рангли металллар, олтин, фосфорит, мрамор ва бошқа қурилиш хомашёлари захиралари кенг тарқалган. Республиканинг жанубида нефть, табиий газ, кўмир, рангли металллар, кўрғошин, рух рудалари, калий тузлари, норуда қурилиш материаллари конлари топилган. Минерал ресурсларнинг асосий қисми гашки иқтисодий алоқаларга тўғридан тўғри ва бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари орқали қиёсий тарзда таъсир кўрсатмоқда.

## САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Саноат ташқи иқтисодий алоқаларнинг энг муҳим ва бетакрор омили ҳисобланади. Бундай ҳулоса Ўзбекистон Республикаси учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки, республикадан экспорт қилинаётган маҳсулот, машина ва ускуналарнинг аксарият қисми саноат ҳиссасига тўғри келади.

Тўғри, мамлакатда мавжуд саноат тармоқларининг барчаси ҳам экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқармайди. Экспортга маҳсулот, машина ва ускуналар ишлаб чиқарувчи тармоқлар қаторига машинасозлик, электротехника, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва тракторсозлик, тўқимачилик машинасозлиги, ёқилғи энергетика мажмуаси, кимё ва нефткимё саноати, рангли металлургия ва бошқалар киради. Ушбу тармоқлар қаторида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва тракторсозлик алоҳида ўрин эгаллайди.

Республикада қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини ва қишлоқ хўжалигини юқори технологияга асосланган, маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширадиган тармоқ даражасига кўтариш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги учун сермаҳсул, самарадор, фойдаланишда кўп йилга дош берадиган, қулай ва ишончли, ишлаб чиқаришда кам харажат талаб қиладиган янги техникаларни етказиб бериш лозим.

Ўзбекистон Республикасида 15 та қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини бирлаштирувчи «Ўзқишлоқмаш-холдинг» компаниясининг вазифалари қуйидагича белгиланган:

1. Пахта ва дон етиштириш ва йиғиштиришда фойдаланиладиган трактор, машина ва ускуналар, двигателлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

2. Чет мамлакатлар тажрибалари асосида мавжуд машинасозлик корхоналарини бугунги кун талабларига мослаштириш ва такомиллаштириш.

3. Етакчи хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар ташкил этиш орқали, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги машиналари, тракторлар ва двигателларни йиғишни, келгусида бу техникалар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Узоқ даврлар мобайнида, республикадаги қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарадиган заводлар учун кўплаб эҳтиёт

қисмлар яқин хориж мамлакатлари (илгари иттифоқдош республикалар) дан келтирилар эди. Республика қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиладиган машиналарнинг ҳам аксарияти Россия, Украина, Белоруссия, Қирғизистон давлатларидан олиб келинади. Ўтиш даврининг молиявий-иқтисодий қийинчиликлари оқибатида юқоридаги мамлакатларнинг ўзларида ҳам қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш кескин қисқарди. Натижада республикада қишлоқ хўжалиги машиналарига ва эҳтиёт қисмларига эҳтиёж янада ортди. Ҳозирда «Кейс», «Хестон Хайдро Стетик», «Джон-Дир», «Квернеленд», «Нью Холанд» фирмалари Ўзбекистонда бу турдаги машиналар ишлаб чиқармоқда. Бироқ, ҳозирда ҳаракатдаги эски техникалар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш муаммолигича қолмоқда.

Масаланинг яна мураккаб жиҳаги шундан иборатки, узок хориж мамлакатлар фирмалари иштирокида ишлаб чиқарилаётган техникалар импорти Россия, Украина, Белоруссияда ишлаб чиқариладиган техникалар импортига нисбатан 2-4 баробар қимматдир. Бу муаммони бартараф этишга, молиявий, иқтисодий ва илмий-техникавий, айниқса, хомашё муаммоси тўсқинлик қилади.

Муаммонинг долзарб жиҳати шундаки, қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш ёки йиғиш масаласини қисқа муддат ичида амалга ошириш мумкин эмас. Шу боис, саноат ва қишлоқ хўжалигини ҳаракатдаги техникалар билан таъминлаш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўринлидир:

- қишлоқ хўжалиги ерларига ишлов бериш учун «Лизинг» хизматини кўрсатувчи корхоналарни кўпайтириш, кенгайтириш ва қувватини ошириш;
- ҳаракатдаги эски техникаларни таъмирловчи корхоналар қувватини ошириш;
- эски техникаларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш учун Яқин хориж давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва «Дилер» ва «Демпинг» корхоналарини ташкил этиш;
- республикамизнинг табиий шароитига мос, тупроқнинг юза қисмига ишлов беришда қулай техникаларни яратиш учун, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш биринчидан, импорт қилинаётган техника ҳажмининг қисқартирилишига, иккинчидан, машиналар ва ускуналарни экспорт қилишга ва шу орқали ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга имкон яратади.

Ўзбекистон пахта тозалаш саноати тизимида 120 та пахта тозалаш заводи, 550 дан ортик тайёрлов пункти, 14 та механик-тажриба заводи ва 21 та хўжалик ҳисобидаги муассаса мавжуд.

Пахта тозалаш заводлари янги технологиялар талабига жавоб берадиган, юқори сифатли пахта толасини ажратиб бера оладиган ускуналар билан таъминланган. «Ўзбекпахтамаш» корпорацияси эса, Ўз таркибига 8 та машинасозлик заводи ва махсус конструкторлик бюроларини бирлаштирган. Пахтани қайта ишлаш гармоғидаги муассасалар учун корпорацияда дунё стандартларига мос 62 турдаги ускуналар тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган. Илгари Ўзбекистонда пахтачилик маҳсулотлари хом ашё ҳолатида четга чиқарилган бўлса, эндиликда ишлаб чиқариш ҳажми соатига 5 тонна бўлган заводлардан иборат комплексларнинг ишлаши иш самарадорлигининг ортиши ва тозалаш эффеқтини 98,5% гача етишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Бразилия ва Покистондан кейинги ўринни эгаллайди. Жаҳон пахта толаси етиштиришда Хитой билан Ҳиндистон, Бразилия ва Покистон, Ўзбекистон ва Австралия кўрсаткичлари алмашилиб туради ва доимий рақобати кузатилади. Худди шундай ўзгариш 2010-2011 йиллардаги мавсумда юз берди. Пахта толасини қайта ишлашда Хитой етакчилик қилиб, унинг қайта ишлаш қуввати 15-20 млн. тонна. 2011-2012 йиллар давомида Хитой ҳар йили ўзида 6,4 млн. тонна пахта етиштирган бўлса, яна 4 млн. тоннага яқин пахта толасини импорт қилган. Шундай экан, Хитой пахта толаси импортида ҳам дунё бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Ўзбекистонга энг яқин энг қулай пахта импорт қилувчи давлатлар ҳам Хитой ва Россия Федерациясидир. Жумладан, Россия тўқимачилик корхоналари учун хом ашё эҳтиёжининг 40 фоиздан ортигини Ўзбекистон, 30 фоизга яқинини Қозоғистон ва Тожикистондан импорт қилинган пахта ҳисобига қоплайди.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги экспорт маҳсулотларининг асосий қисмини пахта толаси ташкил этгани боис, мазкур тармоқ ишлаб чиқариш тизимини жаҳон стандартларига мос жиҳозлаш талаб этилади. Ўзбекистон пахта экспорт қилувчи жаҳоннинг етакчи давлатларидан бири бўлиб, пахта экспортида АҚШ ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда туради.

Республикамизнинг енгил саноат соҳасидаги фаол инвестицион салоҳияти пахтани қайта ишлаш даражасини 2012 йилларнинг

охирига бориб 50 фоизга, 2015 йилда эса 80 фоизга етказиш имкониятини яратади<sup>13</sup>. Агар, У Эгамбердиеванинг мазкур башорати ўзини оқласа, Ўзбекистон пахтани қайта ишлашда АҚШ, Бангладеш, Бразилия каби давлатларни ортда қолдириши мумкин.

Республикада «Янги заводлар қуриш, таъмирлаш ва техник жиҳозлаш дастури» ишлаб чиқилган. Унда ҳозирги ишлаб турган заводлардан 14 тасини қайта жиҳозлаш, 8 та янги завод қурилиши ва 10 дан ортиқ омборхона ва цехларни қайта таъмирлаш кўзда тутилган эди.

Соҳани ислоҳ қилиш мақсадида 2006 йил 26 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослашган кўргазма савдосида иштирок этишни таъминлаш тўғрисида»ги ПҚ-449-сонли қарори қабул қилинди. Дастурни амалга ошириш учун 12,6 млрд. сўм ва 33 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ талаб қилинар эди. Лойиҳа янги машиналар ишлаб чиқариш ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарини жиҳозлаш учун қўшма корхоналар тузиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида иш олиб боради. Бу ўз ўрнида, тола тайёрлаш имкониятини янада кенгайтиради. Жаҳоннинг тўқимачилик ривожланган Германия, Франция, Хитой, Япония каби йирик давлатларга экспорт қилиш имкониятлари янада кенгаяди. Бирок, республикада мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш ва янги қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ҳисобига тола экспорт қилишдан ярим тайёр маҳсулот яъни ип-калава, мато экспорт қилиш кўпроқ даромад беради.

Ўзбекистон Республикаси пахта, ипак, қорақўл ишлаб чиқаришда дунёда етакчи мақомга эга. Ишлаб чиқариладиган ўртача 1300 минг тонна пахта толасининг 50% атрофидагиси қайта ишланади. Республика енгил саноатини ривожлантириш учун мавжуд корхоналарни замонавий технологик ускуналар билан таъминлаш, маҳсулотлар сифатини ошириш ва ҳажмини кўпайтириш, унинг ассортиментини кенгайтириш, республика ва хорижий банклар инвестицияларини жалб қилиш асосида пахта толасини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш «Ўзбекенгилсаноат» дастурида асосий ўрин тутади.

<sup>13</sup> Эгамбердиева У. Жаҳон пахта бозорида мамлакатимизнинг ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2012. № 3. - Б.38.

2005 йилнинг 27 январида Вазирлар Маҳкамасининг «Тўқимачилик саноатига инвестицияларни жалб қилиш»дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон ип-газлама, шойи ва жунли матолар ишлаб чиқариш ва йигириш бўйича Хитой, Ҳиндистон ва АҚШдан кейинги тўртинчи ўринда туради. Шунингдек, мамлакат киши жон бошига 35м<sup>2</sup> дан кўп матолар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик саноати ривожланган давлатлар қаторига киради. Бироқ, шунга қарамасдан, тармоқ етарли даражада ривожланмаган. Бунга 90-йилларга қадар бўлган «турғунлик даври»да тўқимачилик ускуналарининг эскирганлиги, ўтиш давридаги молиявий, иқтисодий, техникавий қийинчиликлар ўз таъсирини кўрсатган.

Республикадаги иқтисодий ислохотларнинг мазмуни ва йўналишига мувофиқ ҳолда минерал хомашё ресурсларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, машинасозлик, газ-кимё мажмуи, телекоммуникация, транспорт, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадига қаратилган хорижий кредитларни жалб қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Деҳқонободда барпо этилган калий заводи маҳсулотлари ҳам Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда заводда йилига 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқарилмоқда, яқин йиллар ичида мазкур кўрсаткич 600 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда<sup>14</sup>.

Мамлакат хорижий сармояларни етарли даражада жалб этишга керак бўладиган деярли барча имкониятларга эга:

- нисбатан қулай табиий, иқтисодий географик шарт-шароитга;
- бой минерал, хом ашё ресурслари ҳамда агросаноат мажмуини ривожлантириш имкониятига;
- ихтисослашган меҳнат ресурсларига;
- сиёсий ва ижтимоий барқарорликка;
- сармояларни қўллаб-қувватловчи инфратузилмага.

Булар хорижий инвесторларни жалб қилишда дастлабки омил бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, инвестиция жараёнига билвосита таъсир кўрсатадиган молиявий-иқтисодий рағбат ва имтиёзлар ҳам республикада жорий этилган. Умумий ҳулосага келганда, хорижий инвестор ва донорларнинг бевосита таъсири

<sup>14</sup> Узоқов Н. Мустақиллик фаровонлик кафолати.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2013.- №3-4.-Б.33.

остида Ўзбекистонда хорижий сармоялардан самарали фойдаланиш борасида ижобий ютуқларга эришиш мумкин.

Имтиёзлар ва рағбатлантирувчи омиллар қўшма корхоналарнинг, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни замонавийлаштиришга қаратилган соф фойдасининг бир қисмига солиқ солишдан озод қилишни, хорижий жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига эркин қўйилишини ўз ичига олади. Шулар натижасида хорижий инвестицияларнинг республика иқтисодиётига жалб этилиши борган сари ўсиб борапти.

Хорижий инвестициялар асосан, саноат, транспорт ва алоқа тармоқлари учун ажратилган бўлиб, саноат таркибида енгил саноат, энергетика ва металлургия саноатлари инвестиция фаоллигининг асосий соҳаларидир. Маълумки, металлургия дейилганда рангли металлургия назарда тутилади. Транспорт ва алоқа соҳасига киритилган инвестициялар кейинги пайтда, тармоқнинг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилнинг 22 февралдаги 2812-сонли «Ўзбекистон Республикаси энергетика иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги буйруғига кўра Энергетика ва электрификация вазирлиги ва унинг таркибидаги «Ўзбекқўмир» Ҳиссадорлик бирлашмасини базасида очик акционерлик жамияти мақомидаги «Ўзбекэнерго» Давлат-Ҳиссадорлик компанияси тuzилган эди. Шундан сўнг, ўтган 10-12 йил давомида электроэнергия ишлаб чиқариш доирасида катта ишлар амалга оширилиб, электроэнергия ишлаб чиқариш қувватлари ортди.

2010 йил 15 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1442 сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ва 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855 сонли «2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар дастури тўғрисида»ги қарори 2015 йилгача ривожланишни ўз ичига олган ва 48та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган қарорларида «Ўзбекэнерго» Давлат-Ҳиссадорлик компаниясининг инвестицион фаолияти белгилаб берилган.

Ўзбекистонда шамол ва қуёш энергияларидан фойдаланиш имкониятлари катта. 2013 йил 1 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4512-сонли «Энергиянинг муқобил манбаларини келгусида ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги буйруғи ва ПҚ-1929 сонли «Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил

этиш тўғрисида»ги қарорига кўра «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида «Ўзбекэнерго» Давлат-Ҳиссадорлик компанияси таъсисчилигида Халқаро қуёш энергияси институти» ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Нуробод туманларида 404 гектар майдонда биринчи «Қуёш фото-электрик станция» қурилиши 2016 йилда якунланиши режалаштирилган. «Ўзбекэнерго» Давлат-Ҳиссадорлик компаниясига ушбу лойиҳани техник-иқтисодий асослаш учун Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзнефтегазхимпроект» Давлат институти кўмаклашса, Осиё тараққиёт банки ҳамда Тикланиш ва тараққиёт фонди уни молиялаштиради. Янги энэргия объектининг дастлабки қиймати 275 миллион АҚШ доллари бўлиб, генерация қуввати 100 МВт ва йилига 200 миллион кВт/с электроэнэргия ишлаб чиқаради. Бу унинг ялпи потенциали 51млрд. тонна нефт эквивалентидан ошиши демакдир.

Худди шундай лойиҳа, «Навоий» индустриал эркин иқтисодий зонаси билан биринчи босқичда 50 МВт ва келгусида 100 МВт қувватдаги фотоэлектрик қуёш панелларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этилади.

Бироқ, ўтган XX аср энэргия асри бўлди десак муболаға бўлмайди. Кўпгина давлатларнинг иқтисодиётининг ривожланиши энэргия билан боғлиқ бўлди. Масалан, 70- йилларда Японияда хом ашё, ёқилғи ва электрэнэргиядан тежамлаб фойдаланишга эътибор қаратилди. Тамойилга кўра, янги технологияларнинг муҳим эффекти-хомашёни қайта ишлаш сифатини яхшилаш, қайта ишлашнинг барча босқичларида хом ашё исрофини камайтириш, ёқилғи ва электрэнэргия истеъмолини камайтиришдан иборат. Натижада Японияда 1973-1983 йилларда нефт маҳсулотларининг саноат истеъмолли ҳажми 40 фоиз камайган. Худди шу даврда АҚШда фақатгина 15 фоизга қисқартиришга эришилган эди.<sup>15</sup> Табиийки, бу кўрсаткич Япония иқтисодиётида ёқилғи хом ашёсидаги юкни анчага қисқартириш имконини берди.

Айниқса, 1980 Япония иқтисодиётини техник янгилашга жалб этилган инвестициялар ҳажми (ЯММнинг 31-32%) га кўра, Германия (21-22%), Британия бирлашган қироллиги ва АҚШ(16-18%)ни ортда қолдирди<sup>16</sup>. Шундай қилиб, ўша йиллардаёқ Япониянинг «энэргия инқилоби» ўз самарасини берди.

<sup>15</sup> Кэйдзай хакусё. Токио, 1985, 1-қисм, 10 б.

<sup>16</sup> ОЕСО №1, October 1985. 34-35 б.

Тошғузур-Бойсун-Қумқўрғон ҳудудларини бирлаштирувчи, узунлиги 223 км бўлган темир йўл қурилишини аср мўжизаси деб аташмоқда. 456,4 млн. АҚШ доллари сарфланиб, барпо этилган ушбу темир йўл мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим стратегик объектга айланди. Ҳозирги кунда 2016 йилда қурилиши якунланиши режалаштирилган Ангрен-Поп ҳудудларини бирлаштирувчи узунлиги 124 км бўлган худди шундай темир йўл қурилиши муваффақиятли бажарилмоқда.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида 344 км. масофани 2 соат давомида босиб ўтувчи «Afrosiyob» тезюрар йўловчи электропоезди йўлга қўйилди. Бу рейсни йўлга қўйиш учун темир йўл инфраструктурасини замонавийлаштириш ва модернизация қилиш доирасида катта ишлар амалга оширилди. 68 км. масофага янги излар ётқизилди. Тошкент ва Самарқанд вокзаллари реконструкция қилинди.

Кейинги йилларда ҳаво транспорти орқали юк ташиш қўлами ҳам ортмоқда. Жумладан, «Навобий» интермодал логистика маркази бугунги кунда бир кеча кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, 20 та самолётга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Ҳозирги пайтда ундан Париж, Милан, Брюссель, Вена, Сеул, Деҳли, Мумбай, Истамбул каби шаҳарларга 30га яқин парвоз амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1416-сонли «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникациялар қурилиши инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ердаги объектлари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 148,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя давлат томонидан йўналтирилади. Авиакомпаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 179 миллион АҚШ доллари инфратузилмани ривожлантиришдаги 13 та сармояли лойиҳа учун ажратилади. Ҳозирги вақтда авиапаркларни янгилаш ва инфратузилмасини модернизация қилишга умумий ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сармоя йўналтирилган<sup>17</sup>.

2009 йилда Ангрен шаҳрида мамлакатимизнинг ҳудудларини Фарғона водийси билан йил давомида кафолатли транспорт ало-

<sup>17</sup> Бекмуратов А. Государство как эффективный институт обеспечения инвестиционного развития экономики: опыт Республики Узбекистан. // Экономический вестник Узбекистана. - 2013. - № 3-4. С.80.

қасини таъминлайдиган Халқаро логистика маркази қурилиши якунланди ва фойдаланишга топширилди. 2011 йилда «Ангрен логистика маркази» ёпиқ ҳиссадорлик жамияти 4 млн. тонна юкни Қамчиқ довони орқали ташиди. Бу 2010 йилга нисбатан 1,3 марта ортиқ демакдир.

Ўзбекистондаги мавжуд автомагистралларни модернизация қилиниши жараёнларини нафакат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги стратегик аҳамиятга эга қурилиш сифатида баҳоламоқда. Уни молиялашда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Араб координацион гуруҳлари аъзолари лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этиб, 1,4 млрд доллар ҳажмидаги имтиёзли кредит-ларни ажратди.

Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвесторлар томонидан ажратилган инвестицияларда асосий эътиборни саноат соҳасига йўналтирган бўлса, бу сармояларнинг соҳа ичидаги тақсимоли кузатилганда келгусида истиқболли таянч тармоқларни ажратиш имконияти юзага келди.

Республика экспорт салоҳиятини янада ошириш учун, давлат томонидан ишлаб чиқилган дастурга асосан, халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари танлаб олинган. Миллий иқтисодиётнинг тарихан шаклланишидан келиб чиққан ҳолда, бунда энгил саноат тармоғига муҳим эътибор қаратилмоқда. Демак, хорижлик инвесторларни саноатнинг энг тармоқланган, нисбатан кам харажат ва сардаромад тармоғи бўлган энгил саноат кўпроқ қизиқтиради. Айниқса, бу тармоқ Ўзбекистонда қадимдан ва ўтган асрда тараққий этган бўлиб, ўзига хос маҳаллий хусусият ва андозалари билан хорижда юқори шуҳрат қозонган. Шунга кўра, экспортни ривожлантиришдаги таянч тармоқлар схемаси куйидагича белгиланди:

Ўзбекистон Республикаси инвестицияларни жалб этишда ялпи ички маҳсулотга нисбати бўйича самарали кўрсаткичларга эришган бўлсада, лекин жануби-шарқий Осиё ва шарқий Европа давлатларидан анча орқада. Шунга қарамадан, инвестицияларни жалб этиш даражаси ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши даражасидан юқори. Бу эса, республикада инвесторлар учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий муҳитни яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасидир.

Шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортнинг худудий таркибида ҳам кескин тафовутлар

мавжуд бўлиб, у куйидаги диаграммада ўз аксини топган (3-диаграмма).



Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортида Навоий, Андижон ва Тошкент вилоятлари кўрсаткичлари юқори бўлди. Навоий вилоятидаги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналари 159,7 млн. АҚШ доллари миқдориди маҳсулот экспорт қилди. Бу кўрсаткич вилоят экспорти умумий миқдорининг 63 фоизини ташкил этди. Андижон ва Тошкент вилоятларида, асосан истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади. Диаграммага кўра, юқори кўрсаткичдаги Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида йирик тўқимачилик комбинатлари фаолият кўрсатади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар импортида энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри хиссасига тўғри келади. Ҳозирги пайтда Андижон, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг импортидаги иштироки анъанавий тарзда республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан бироз юқорироқдир.

Бунга турли омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, Навоий ва Самарқанд вилоятларида саноат тармоқларининг ўсаётганлиги боис, уларда турли ускуналарга ва бутловчи қисмларга бўлган эҳтиёж муттасил сақланиб қолади. Сирдарё ва Тошкент вилоят-

ларида эса, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар пайдо бўлмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиш даражасини умуман республика бўйича ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига қиёслаганда ўсиш юқорилиги кузатилди. Бунинг натижасида халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғидаги чет эл инвестициялари жалб этилган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми, шу тармоқ умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг анчагина қисмини ташкил этади.

Яқин ўтмишда пахта толасини ҳам ашё сифатида экспорт қилиш умумий экспорт ҳажмининг тенг ярмига тўғри келар эди. Қисқа давр ичида бу маҳсулот экспорти 24,5 фоизга қадар камайди. Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаб, экспортга чиқариш ҳажми анча ошди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқаришга жалб этишда инвестицион фаолиятнинг аҳамияти жуда катта. Демак, инвестициялар келгусида замонавий бозор талабларини тўла қондириши, бозорларни тўлдириши, экспорт миқдорини ошириши, ижтимоий вазиятга ижобий таъсир этиши, ишлаб чиқаришнинг зарурий тузилмасини яратилишида муҳим аҳамият касб этиши ҳамда мамлакатнинг экспорт-импорт имкониятларининг изга солинишида дунёвий талаб ва андозаларга етишида асосий воситадир.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ - ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон жуда катта қишлоқ хўжалиги салоҳиятига эга. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 фоизга яқини суғориладиган ерлар билан боғлиқ. Уларга йирик сув омборлари, насос станциялари, каналлар, суғориш иншоотлари, коллекторлар ва бошқа гидротехник иншоотлар тизими орқали хизмат кўрсатилади.

Сабзавот, мевалар, ғалла ва шоли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий экин турларига киради. Озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлаш пахта майдонларига бошоқли экинларни алмашлаб экиш ва бир қисмини сотиб олиш ҳисобига бажарилмоқда. Истиқлол йилларида, яъни ўтган 22 йил давомида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади<sup>18</sup>.

Ҳозирги кунда мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳасидаги фермер ва деҳқон хўжаликларида мини-технологияларни жорий қилиш маҳсулотни экспорт қилиш имкониятини яратади. Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик тармоғи қадимдан ривожланган бўлиб, у сўнгги йилларда турғунлик даврини бошидан кечирди. Ана шу тармоқ, ташқи иқтисодий алоқаларда, аниқроқ қилиб айтганда экспорт операцияларида юқори даромад келтирувчи соҳа бўлиши мумкин. Қуруқ ва ҳўл мева бўйича ҳосилдорлик Андижон вилоятида энг юқори ҳисобланади. Ҳозирда Андижон вилоятига республикада етиштириладиган меванинг қарийб 1/4 қисми тўғри келиб, унинг йиллик миқдори 150 минг тоннадан ортиқ.

Мева етиштиришдаги кейинги ўринни Самарқанд вилояти эгаллайди. Унда йиллик етиштириладиган мевалар миқдори 90 минг тоннадан ортиқ. Зарафшон дарёси ҳавзаси бўйлаб ҳамда Нурота тизмасининг жанубий ва ғарбий этакларида мевачилиқда юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Республиканинг жанубий қисмида Сурхондарё ҳавзаси бўйлаб гектарига 50 центнердан ортиқ мева етиштириш мумкин. Бу ҳудудда субтропик иқлим ҳукмрон бўлганлиги сабабли, баъзи субтропик меваларни етиштириш мумкин. Бироқ, Сурхондарёда мевачилик талаб даражасида тараққий этмаган.

<sup>18</sup> Каримов И. А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг илмий заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Ўзбекистон овози. -2014 йил, 7-июнь

Курук мева тайёрлашнинг анъанавий усулларида республика мизда қадимдан фойдаланиб келинмоқда. Бунда узум ва кишмиш етиштиришга алоҳида аҳамият берилиб келинишини таъкидлаб ўтиш зарур. Ўзбекистоннинг ҳозирги Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳудудида тоқчилик XX аср бошларидаёқ кенг тараққий этган. Бугунги кунда республика узумчилигида Самарқанд вилояти етакчилик қилади, унинг ҳудудида йилига 150 минг тоннадан ортиқ узум етиштирилади. Бу республикада етиштириладиган узумнинг деярли 1/3 қисмидир. Тоқзорлар Зарафшон тизмасининг шимолий етакларидан, то Нурога тизмасигача бўлган ҳудуддаги тоғ ёнбағирларида бутун Зарафшон ҳавзаси бўйлаб кенг тарқалган. Узумчиликда кейинги етакчилик қилаётган ҳудуд Сурхондарё вилоятида йилига 70 минг тоннагача узум етиштирилади. Ҳудудда узумчилик асосан, обикор ерларда кенг тарқалган.

Боғдорчилик ва узумчилик саноат учун асосий хомашё етказиб берувчи тармоқлар бўлиши билан биргаликда агросаноат мажмуининг таркибий қисми сифатида мамлакат ички истеъмолини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, голландлар ўзлари етиштирган пишлоқларни табиий ғорларда сақлаганлар. Шундан келиб чиққан ҳолда мева шу жумладан, узум қуритишнинг анъанавий усулларида воз кечиш нотўғри. Аксинча, мазкур усуллари яна ҳам ривожлантириш лозимдир. Фан-техника тараққий этган ҳозирги даврда мевани инфрақизил нурлар ёрдамида қуритиш усуллари жорий этилмоқда. Аммо, хорижий тадбиркорлар назарида камдаромад бўлиб кўринган ва катта меҳнат талаб этадиган бу тармоқни ривожланиши маҳаллий тадбиркорларнинг фаолиятига боғлиқ. Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини воситачи муассасалар кўмагисиз экспорт қила олмайдилар. Бу муаммони бартараф этиш учун қайта ишловчи ва қадокловчи кичик корхоналарни хомашё манбаларига яқин жойлаштириш лозим бўлади.

Ундан ташқари, қуритилган мева ва узумни қадоклашда хорижий мамлакатлар (Эрон, Туркия, Араб мамлакатлари ва бошқалар) тажрибаларидан фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳиятини сезиларли тарзда оширишга, олинган фойда миқдорини кўпайтиришга имкон беради. Жумладан, хандон писта, кишмиш ва бошқа курук меваларни экспорт қилишда Эрон, Туркия ва бошқалар ихчам, чиройли қутгичалардан фойдаланган. Ҳозирда Ўзбекистондан худди шу усулда экспорт қилинаётган кишмиш асосан, Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон туманида тайёрланган. Респуб-

ликада Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида консерва ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар кенг тарқалган.

Ўзбекистон асрлар давомида яқин хориж давлатларига курук мева экспорт қилган. Ҳозирда эса мазкур соҳанинг экспорт имкониятларини янада кенгайтириш, соҳанинг ҳақиқий истеъмолчиларини дунё бозоридан излаб топиш имкониятлари юқоридир. Шуларга монанд равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-сонли фармони ва 11 январдаги 255-сонли «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Республикада етиштириладиган мева ва резаворларни консервалаш ихчам турли миқдордаги чиройли ва кўркам идишларда қадоқлаш усулларини ўзлаштириш лозим бўлади. Албатта, республика ҳудудида етиштириладиган мева ва резаворларга Узоқ ва Яқин хориж давлатларида талаб юқори. Масалан, Тошкент шаҳар бозорларида бодом, pista, майиз, ёнғоқ каби меваларнинг нархи қанча бўлса, хорижий компаниялар иштирокида ташкил этилган «супермаркет»ларда уларнинг қадоқланган идишлардаги нархи икки ҳисса юқори эканлигининг гувоҳи бўламиз. Бу турдаги маҳсулотларнинг экспортига тўсқинлик қиладиган бошқа муҳим сабаб, ҳар мавсум давомида маҳсулотларни йиғиб олишни яхши ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, бунда маҳсулотни истеъмолчига қадар етказиш тизими ишлаб чиқилиши лозим бўлади.

Республика сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилигида, асосан, сабзи, пиёз, лавлаги, шолғом, турп, редиска, помидор, қовун, тарвуз, ошқовоқ, картошка ва бошқа экинлар экилади. Республика сабзавотчилигида Фарғона вилояти етакчилик қилиб, етиштириладиган барча сабзавот маҳсулотларининг 1/4 бир қисми шу вилоят ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда йилига 800 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Сабзавотчиликда кейинги етакчи ҳудуд Тошкент вилояти бўлиб, Угом ва Чотқол тизмалари этаклари Чирчиқ дарёси водийси бўйлаб экилади. Ҳозирда вилоятнинг сабзавот маҳсулотлари етиштиришдаги йиллик ҳиссаси 500 минг тоннадан ортиқ.

Республика полизчилигида Сирдарё вилояти етакчилик қилади. Унда мамлакат миқёсида полиз маҳсулотларининг 15% ёки ўртача 60 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирилади. Полиз

маҳсулотлари етиштиришдаги кейинги ўринда Сурхондарё вилояти туради. Мазкур вилоят полиз хосилдорлиги бўйича республикада биринчи ўринни эгаллайди.

Картошқачилик асосан республика ички истеъмоли учун хизмат қиладиган тармоқ бўлиб, Самарқанд, Тошкент вилоятларида яхши тараққий этган. Картошқа республикамизда асосан обикор деҳқончилик мавжуд бўлган ҳудудларда етиштирилади.

2004-2013 йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8 марта, узум 8,7 баробар ўсди. 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтириш мўлжалланмоқда. Яқин вақт ичида Ўзбекистон компаниялари Болтиқ денгизи бўйидаги Лиенай портида бир кеча кундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган транспорт-логистика марказини ташкил этади. Ушбу марказ орқали мева-сабзавот маҳсулотлари Шимолий ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри етказиб берилади<sup>19</sup>.

Қайта ишлаш саноати мева-сабзавотларни экспорт қилишни кўпайтиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Мева-сабзавотни қайта ишловчи саноат корхоналарнинг экспорт салоҳияти ва самардорлигини ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- мавжуд қайта ишлаш саноати корхоналарини қадоқлаш ва ўраб жойлаш ускуналари билан таъминлашга;
- қайта ишлаш саноатида маҳсулотнинг экспортбоплигини таъминлашда маркетинг хизматини ривожлантиришга;
- қайта ишлаш саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга;
- қайта ишланган маҳсулотларни ихчам ва чиройли пакетларда қадоқлаш, ишлаб чиқарилган муддати, сақланиш муддати, штрих кодлари ёзилишига;
- маҳсулотларни сақлайдиган истеъмолчига етказиш шартшароитларини яратиш лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларининг республика экспортини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти яқин йиллар ичида ҳам пахта толаси билан алоқадор бўлиб қолади. Мева сабзавот ва полиз экинларининг ҳам роли ўзининг бугунги мавқеи даражасида сақланиб қолади. Шу билан бирга, айнан ана шу тармоқларда экспортни кенгайтириш ва ошириш учун маълум

<sup>19</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Ўзбекистон овози. -2014 йил, 7-июнь

даражада имкониятлар мавжуд. Улар биринчи навбатда, курук мева, кишмиш ва қовун қокисини жаҳон талабларига мос қадоклаш билан боғланган. Дехқончилик маҳсулотлари ҳисобига экспорт ҳажмини кенгайтиришда сабзавот, биринчи галда, томат пасталари ва соқларни ҳам чиройли ва кичик ҳажмли идишларга жойлаштириш билан боғланган.

Мамлакат бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ислохотларни амалга ошираётган бугунги кунда саноат ишлаб чиқариш ҳажми бир неча ўн йиллар муқаддам ҳолатига нисбатан сезиларли даражада ўсди. Бу даврда мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлиб хусусий мулк тобора ўсиб бормоқда.

Ҳар қандай мамлакат ўз иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун биринчи галда эътиборни саноатни ривожлантиришга қаратади. Жаҳон мамлакатларининг ривожланиш тарихи таҳлил қилинганда ҳам бу фикримизга исбот топишимиз мумкин. Бироқ, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг шундай тармоғики, у мамлакат аҳолисига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан биргаликда енгил саноат учун ҳам маълум миқдорда хомашё етказиб беради.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим бўғини бўлмиш чорвачиликда йирик шохли қорамолчиликни ривожлантиришга қаратилган қарорларни амалга ошириш бугунги куннинг энг долзарб муаммосини ечишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Жаҳон чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлил этганда ҳам масаланинг долзарблигига иқрор бўламиз. Масалан, жаҳоннинг айрим мамлакатларида гўшт ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатларга Нидерландия (200кг.)<sup>20</sup>, Австрия (180), Аргентина (125), АҚШ (125), Германия (110), Франция (110); суг ишлаб чиқариш бўйича Янги Зеландия (2400), Нидерландия (900), Беларус (700), Франция (490), Украина (460), Германия (450) каби давлатларни киритиш мумкин.

М.Б.Вольф ва Ю.Д.Дмитриевскийлар чорвачилик районларини тўрт турга ажратишган:

1. Аҳоли зич жойлашган қорамол юқори даражада зич кўпайган, маҳсулдорлик юқори районлар;

2. Интенсивлик ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги ўртача даражада бўлган районлар.

3. Кам интенсив районлар, яъни аҳоли ва чорва боши зичлиги паст районлар.

4. Аҳоли ва чорва моллари зичлиги юқори, аммо чорвачиликнинг маҳсулдорлиги паст бўлган районлар.

<sup>20</sup> Аҳоли жон бошига кг.

Айниқса, Ўзбекистон учун географик жойлашувига кўра яқин бўлган давлатларда маъмур тармоқнинг ривожланганлиги муҳимдир. 1960-1975 йилларда Россиянинг Шимолий Кавказ, Волгабуйи, Марказий Қоратупрок, Урал, Ғарбий Сибир районлари, Украина ва Қозоғистон гушт-сут чорвачилигининг йирик марказига айланган. Бироқ, 90-йиллардан кейинги даврда иқтисодий алоқалар узилиши оқибатида маҳсулотга талаб ва таклиф ўзгарди ҳамда бу тармоқни ривожлантириш муаммоси Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларининг барчасига хос бўлиб қолди. Бу мамлакатларда табиий ўтлоқларнинг кенг тарқалганлиги, қулай иқлим шароитларининг мавжудлиги ва омухта ем тайёрлаш имкониятларининг юқорилиги ижобий омил сифатида қайд этилса, тармоқнинг ривожланишига меҳнат ресурсларининг нотекис тақсимланганлиги ёки аҳолисининг шаҳар ва шаҳар атрофида тутилганлиги, чорвачилик учун хизмат кўрсатувчи техника воситалари етишмаслиги кабилар майдонга чиқади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини чуқур таҳлил этиш ва шу асосида тадбирлар тизимини шакллантириш тармоқнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония қишлоқ хўжалигида ИТГнинг ўрнини таҳлил этсак, қисқа муддат ичида катта муваффақиятларга эришгандигига гувоҳ бўламиз. 1970 йилларда Япония кўп жиҳатдан иқтисодий тангликни дуч келган бир пайтда қишлоқ хўжалиги учун фан-техника ютуқларини етказиб берувчи илмий ходимлар тажриба станциялари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишга эътибор қаратилди. 1985 йиллардаёқ, ишлаб чиқаришда кўпчилик хўжаликлар илмий муассасалар томонидан тавсия этилган сараланган уруғлар, қорамол ва паррандаларнинг маҳсулдор насллари ва уларни етиштиришнинг етакчи технологияларидан фойдаланмоқда Шоли майдонларининг 95 фоизи, соя экилган майдонларнинг 70 фоизи ва чой етиштирилдиган майдонларнинг 58 фоизи энг сара навлар билан банд бўлган.<sup>21</sup>

Бу даврда Япония қишлоқ хўжалиги меҳнат маҳсулдорлиги кўрсаткичлари бўйича АҚШ, Британия бирлашган қироллиги, Германия, Франция ва Италия каби давлатларни ортда қолдирди.<sup>22</sup> Натижада, 1965-1980 йиллар таҳлилида 1 соатлик иш вақтида маҳсулот шоли, мандарин, соя, пилла етиштириш 2-2,4 мартага, сут етиштириш 3,4 мартага, қанд лавлаги етиштириш 3,6 мартага, буғдой етиштириш 5,8 мартага ошган.<sup>23</sup>

<sup>21</sup> Нихон ногё энкан, Токио, 1982, 264 б.; Дайдзу гэнпо, 1983, №11, 5-6 б.; Farming Japan, 1985, №1, 48 б.

<sup>22</sup> Нихон ногё энкан, 1986, 474-487 б.

<sup>23</sup> Ногё хакусё фулзоку токэйхё, Токио, 1982, 37 б., Нихон ногё энкан, 1981, 276 б.

Японияда 1983 йилда XXI асрга қадар, биотехнологияларни ривожлантириш асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тирик организмларнинг «маҳаллий яшовчан тизими» ни яратиш, тирик организмларнинг гинетик қобилиятини ўстириш, тирик организмлардан самарали фойдаланиш асосида атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга ишлаб чиқариш кучлари ва меҳнат маҳсулдорлигини ривожлантириш мақсадида кишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмон хўжаликлари вазириликлари илмий-техник кенгаши томонидан хужжат қабул қилинди ва 1983 йилнинг декабрида шу каби тадқиқотларни бажариш учун иккита янги илмий текшириш институти «Қишлоқ хўжалиги доирасида биоресурсларни ўрганиш институти» ва «Қишлоқ хўжалиги экологик муаммолари институти» ташкил этилган. Улар мажбуриятларига гинетик ресурсларни тўплаш ва сақлаш, ген ва гўкималарни кўчириш асосида селекция ишларини, ўсимликларнинг фотосинтезланиш қобилиятини ошириш усуллари устида ишлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш масалалари, ўсимлик ва жониворларни касалликлардан ҳимоя қилишнинг биологик чоралари устида ҳамда нефт, энергия муқобиллари устида ишлашдан иборат.<sup>24</sup>

Ўзбекистонда гўшт тайёрлаш аҳоли жон бошига 35 кг.ни ташкил этганини ҳисобга олганда, республика хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш, моллар маҳсулдорлигини янада ошириш мустақкам озиқа базасини яратиш, селекция ютуқларидан фойдаланиш, наслчилик ишларини яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Мамлакатда гўшт ва сутга бўлган аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаш учун аҳоли жон бошига гўшт етиштириш камида 70 кг., сут етиштириш 180 литрга етиши лозим бўлади. Айниқса, тоғ ва тоғ олди зонасида аҳолининг бандлигини таъминлашда мазкур тармоқни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда фермер ва деҳқон хўжаликлари, ёрдамчи хўжаликлар учун рағбатлантирувчи тадбирларнинг жорий этилиши тармоқнинг ривожланиши учун кизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш мустақиллик йиллари давомида бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ жуда катта ишлар амалга оширилди. Асосий ишлаб чиқариш воситаси, ерлар ўз эгаларига, яъни, фермерларга берилиб, мулкчилик шакллари ўзгарди ва туманлар, вилоятлар ва республикада деҳқон ва фермер уюшмалари тузилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни экспорт қилиш ишлари тубдан ўзгарди.

<sup>24</sup> Нихон ногё нэнкан, 1984 77 б.

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧ ТУЗИЛМАЛАРИДАН БИРИ

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштиришга эътибор берилиб, жамоа хўжаликлари, ижара корхоналари, ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва бошқа тузилмаларга айлантирилмоқда. Даставвал, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ширкатларини қишлоқ хўжалиги қонунчилигига мувофиқ ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермер хўжалиklarини ривожлантиришда, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биринчи навбатда, самарасиз фаолият юритадиган давлат хўжалиklarини (совхозларни) жамоа хўжалиklarига (колхозларга) айлантириш устувор йўналишдир. Кейинчалик жамоа хўжалиklarининг ўзлари ҳам йирик кооператив хўжалиklarига айланади ва уларнинг асоси деҳқон (фермер) хўжалиklари, кичик корхоналар, катта бўлмаган кооперативлар оилавий пудрат ва ижара жамоалари ташкил этади»<sup>25</sup>. Шунга монанд равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил ноябрдаги ПҚ-215-сонли «Қишлоқ хўжалиги ширкатларини 2006 йилда фермер хўжалигига айлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Соҳадаги ислоҳотларнинг чуқурлашиши натижасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй берганлиги кузатилди. Фермер хўжалиklarнинг кўпайиши ва тадбиркорликнинг ривожланиши ўз ўрнида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши салмоғининг ўсишига олиб келди.

Бироқ, ҳозирги пайтда ички ва ташқи бозорда истеъмолчиларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаблари доимо ўзгариб ва ортиб бормоқда. Бу эса кўпроқ экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига бўлган талабни оширишга, товарнинг рақобатбардошлиги ва уларни тайёрлаш, сақлаш ва ташиш усулларини такомиллаштириш ва бу талабларни халқаро андозалар талабларига мослаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида етиштирилган ва тайёрланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ва

<sup>25</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992 йил, 54-бет.

ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари уруғчилиги ва селекция ишларини ривожлантириш;

- деҳқон ва фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларни тўла қайта ишлаш линияларини ташкил этишга йўналтирилган режа ва дастурларни ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нақд пулга сотиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналар учун банклардан имтиёзли кредитлар очиш;

- Ўзбекистон Республикасида етиштириладиган ва экспорт учун тайёрланган маҳсулотларни қайта ишлашда ҳамдўстлик мамлакатларидаги тайёрлов ва савдо ташкилотлари билан ҳозирда йўқолган алоқаларни тиклаш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ташқарисида тўлов тарифлари муаммоларини ойдинлаштириш ва унинг ечимини топиш.

Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Бу хусусиятларнинг асосийси, унинг биологик жараёнга, яъни ўсимлик ва чорва моллари яшаши, ўсиши ва ривожланиши қонуниятларига асосланганлигидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бузилувчанлиги ҳамда узоқ масофага ташишнинг мураккаблиги у ёки бу маҳсулотларни етиштиришнинг истеъмолчига яқин жойлашувини, махсус транспорт воситалари яратилишини, ишлаб чиқариш ўта самарали бўлган минтақада шу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналарни қуришни тақозо этади.

Бу иқтисодий ҳамда ташкилий тадбирларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарорлаштиришга, уни самарали соҳага айлантиришга ижобий таъсир этади. Аммо унинг нозик томони мавжуд. Жумладан, қишлоқ хўжалиги эркин бозор муносабатлари шароитида бошқа соҳалар билан тенг рақобат қила олмайди. Шунинг учун мамлакат иқтисодиёти учун ўта зарур бўлган бу соҳага давлат кўмаги, давлатнинг ҳомийлиги ҳамда ёрдами доимо зарур бўлиб туради.

Кичик ва ўрта корхоналарда юқори даражада янгиликларни – бозор ўзгаришга мувофиқ тез ўзгарувчанлик қобилияти хусусиятларидир. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти ўзгаришлари тезда таъсир кўрсатиш хусусияти, уларнинг ишлаб чиқариш ташкилотларида янги техник воситаларнинг қўлланиши, бозор талабидаги кенг эҳтиёжни қаноатлантирадиган ишлаб чиқаришнинг шаклланиши учун хизмат қилади. Корхоналарнинг кичик ўлчови ҳар бир ижрочининг қизиқиши ва қобилияти билан яқиндан танишишга имкон яратиб беради ва шу асосда унда шундай ишлаб чиқариш вазифаларини топширадими, у бу вазифаларни жон-дили билан, ижодий импулс билан бажаради. Ходимнинг меҳнатини рағбатлантиришда кенг шарт-шароитлар яратилади.

Кичик ва ўрта корхоналар фаолиятининг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

- улар эгиловчан ва бозор конъюктураси ишлаб чиқаришнинг ўзидаги ўзгаришларга тез мослашади;

- кўп масштабли, серияли ишлаб чиқариш баркарорлигини бузувчи фирмалар янги техника ва технологияларни яратиш ва жорий қилиш лаёқатига эга;

- ташаббускорлик ва тadbиркорлик уларга мос хусусиятлардир.

Хорижда катта бизнес инвестициялари, менеджерлик тажрибалари, иқтисодий алоқалари билан кичик бизнесни керагича қўллаб-қувватлайди.

Кичик фирмаларнинг муаммоларидан бири янги технология ривожланиш даврида, рақобатнинг ўсиши, малака даражасига талаблар ошиши шароитида мутахассисларни ўқитиш бўлиб қолди. Шунга боғлиқ ҳолда, ўзининг рақобатчилик қобилиятини оширишни хоҳловчилар учун махсус (маслаҳатлар берувчи, семинарлар ўтказувчи) ташкилотлар барпо қилиниши лозим. Умумий ҳолатда бу хусусиятлар хориж давлатлари тажрибалари таҳлилида кузатилади. Масалан, Японияда кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳиссаси 99,7 фоизга етган. Бу секторда (бугунда) 45–75 фоиз ёлланган ишчилар машғул. Японияда кичик ва ўрта корхоналарнинг кўпчилигини 2–3 кишидан иборат бўлган индивидуал мулкчилар – оилавий фирмалар ташкил қилади.

Қишлоқда саноатни асосан қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлайдиган замонавий тармоқларни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тизимини шакллантиришга қаратилган давлат дастури амалга оширилмоқда. Чунончи, хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш,

ишлаб чиқариш фаолиятида импорт маҳсулотларини қисқартириш, валюта харажатларини мувофиқлаштириш мақсадида ҳукумат томонидан ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва материалларини маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқаришга мўлжалланган локаллаштириш дастури қабул қилинган.

Айни пайтда Ўзбекистонда бу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар сақланадиган 274 та замонавий совутгичли камера ва омборларни қуриш ва тўлиқ реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилган. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача Германия, Нидерландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилган<sup>26</sup>.

Республикада Тошкент шаҳри кўпгина кўрсаткичлар бўйича устунликка, қатта ишлаб чиқариш салоҳиятига ва барча зарур шарт-шароитларга эга. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни такомиллаштириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш имкониятлари кенг бўлиб, бу вазифани амалга ошириш учун юқорида таъкидланганидек, кичик-қайта ишловчи корхоналарни маҳсулот егиштириладиган ҳудудларга кириб бориши учун йўл очиш, маҳсулотнинг етиштирилишидан экспорт қилингунча бўлган жараёнларни тезлаштируви ва самарали ташкил этувчи тизимни ривожлантириш лозим бўлади.

Хусусий тадбиркорлик даражаси Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Навоий ва Бухоро вилоятларида юқорирок. Бу хизмат кўрсатиш соҳаларининг ушбуларда ривожланганлиги, аҳолининг талабга тўлов қобилиятининг юқорилиги бизнес ривожланиши учун етарли шароит яратилганлиги билан ифодаланади. Хусусий мулк улуши хорижий сармоядорларнинг эътибор берадиган дастлабки омилидир. Чунки, хусусийлаштириш жараёнининг динамикаси, миллий инвесторларни ҳам, хорижий инвесторларни ҳам фаолиятларининг ривожланишини белгилайди.

Ўзбекистонда хорижлик ҳамкорлар инвестиция киритишда агросаноат мажмуаларини такомиллаштириш ва жойлаштиришга, кичик ва ўрта бизнесни ривожланганлигига бирмунча кўпроқ эътибор қаратишмоқда.

<sup>26</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Ўзбекистон овози. -2014 йил, 7-июнь

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ГЕОГРАФИЯСИНING ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИING ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Бозор иқтисодиёти шароитида республика экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигининг ортиши ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. У ёки бу давлатнинг иқтисодий ривожланганлиги даражаси, унинг халқаро майдондаги мавқеи кўп жиҳатдан ташқи иқтисодий алоқаларнинг натижалари, даставвал экспорт ҳажми ва таркибида ўз аксини топади. Буни иқтисодий жиҳатдан ривожланган барча давлатларнинг тарихий йўли ҳамда иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон сиёсий ва иқтисодий харитасида бўлиб ўтган ўзгаришлар ҳам тасдиқлайди.

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти билан узвий боғланган. Мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки хилма-хил омиллар таъсирида шаклланади. Уларнинг ичида мамлакатнинг умумжаҳон миқёсидаги тизимларда иқтисодий мустақиллигини таъминлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ижтимоий меҳнат тақсимотининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, унинг чуқурлашиши ва кенгайишининг асосий шартидир. Жаҳон хўжалигининг географик «моделли» аста-секин мураккаб-лашмоқда. XIX аср охирига қадар ҳамма кўрсаткичлари бўйича Европа ягона марказ сифатида пайдо бўлган. Кейин АҚШ ҳаммадан юқорида турувчи иккинчи жаҳон марказига айланган. XX асрдаги жаҳон урушлари оралигида дунё аҳамиятига эга бўлган Собик Иттифоқ, Япония каби янги марказлар пайдо бўлган. Охириги 30 йил давомида Корея Республикаси, Тайван, Гонконг ва Сингапур, яъни «Тўрт Осиё йўлбарси» ўз иқтисодиётида «сакраш»га эришган давлатларга айланди. Шу боис Осиё – Тинч океани минтақасининг жаҳон хўжалигидаги роли янада юксалди. Бугунги кунда жаҳон хўжалигининг географик модели кўп марказли хусусиятга эга.

Н.Н.Баранский «Географик меҳнат тақсимоти» тушунчасини чуқур таҳлил этиб, уни «Иқтисодий географиянинг асосий тушунчаси» деб атаган эди. Географик меҳнат тақсимоти товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашда кишилиқ жамияти ривожининг натижасидир. Унинг муҳимлиги шундаки: биринчидан, географик жойлашуви, иккинчидан, табиий шароити ва ресурслари, учинчидан,

алоҳида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий шароитдаги ривожланиш даражаси, ҳўжалигининг тузилиши, меҳнат ресурслари, тарихий анъаналари ва бошқа хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Географик меҳнат тақсимоти маълум ҳудудларда саноат ва кишлок ҳўжалиги ишлаб чиқаришидаги шу фарқларни мувофиқлаштириш, алоҳида иқтисодий районлар ёки мамлакатлар ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлан тириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистонда, шунингдек, давлатларнинг ривожланганлик даражасидаги, иқтисодий ва сиёсий вазиятдаги, транспорт, географик ўрни даги мавжуд тенденциялари ва бошқа жиҳатларга асосланилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси динамикасида айрим номuvoфиқликлар, кўрсаткичларнинг камайиши билан уларнинг маълум вақтдан кейин ўсиш ҳоллари кўзга ташланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларининг энг муҳим йўналиши — экспортнинг 83 фоиздан зиёдроқ қисми собиқ Иттифоқ республикалари билан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткичнинг 74 фоиздан ортиқ қисми узоқ хориж билан ва фақат 26 фоизга яқини эса яқин хориж билан амалга оширилди.

Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартиришда стратегик вазифаларни белгилаш орқали хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, корхоналарни энг янги ускуналар билан қайта таъминлаш жаҳон талаблари даражасидаги рақобатбардош маҳсулот етказиш имконини берди.

Ўзбекистонда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда ўзаро манфаатдорликни таъминлашга алоҳида эътибор берилди ва натижада унга хос асосий тамойиллар ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш учун бекиёс имконият яратиб берди.

Миллий иқтисодиётда ташқи иқтисодий алоқаларнинг устувор аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, экспорт салоҳиятидан яна ҳам тўла ва мажмуали фойдаланиш — бугунги куннинг, шунингдек, яқин келажакнинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг саноат ишлаб чиқаришида янги турдаги маҳсулотларнинг пайдо бўлиши аҳолининг ҳаёти ва ижтимоий эҳтиёжини қаноатлантириш билан бирга қўшни давлатлар бозорига рақобатбардош ишлаб чиқариш имкониятини берди. Шу ўринда Ўзбекистонда замонавий ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга,

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган технологияларни жалб қилишга ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига кенг йўл беришга қаратилган эътибор ўз ифодасини топмоқда.

2003 йилда экспорт ва импорт кўрсаткичлари сальдоси 760,8 млн. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ва кўлами янада кенгайди. Айниқса, алоҳида тармоқлар экспорт ва импорт кўрсаткичларини таҳлил қилганда, энергия манбалари экспорти ва импорти ўртасидаги сальдо шу тармоқ экспортининг 72,4 фоизни, хизматлар экспорти ва импорти кўрсаткичлари сальдоси эса тармоқ экспортининг 15,2 фоизини ташкил этган. Бироқ, турли минтақа билан амалга оширилган ташқи савдо айланмасидаги тармоқлар кўрсаткичларига кўра, бири иккинчисидан кескин фарқ қиладиган хусусиятларга ҳам эгаллиги кузатилди.

Масалан, энергия манбаларининг 92,6 фоизи яқин хориж давлатларига экспорт қилинган бўлса, хизматлар экспортининг 64,1 фоизи узоқ хориж давлатларига йўналтирилган. Шунингдек, хизматлар экспорти ва импортидаги сальдонинг 78,2 фоизи айнан узоқ хорижий давлатлар ҳиссасига тўғри келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бошлаб жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш учун жадал ҳаракат қилди. Республика ташқи иқтисодий алоқаларининг стратегик манфаатларини таъминловчи, дунёнинг кўпчилик минтақаларидаги давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратгани ҳолда жаҳон хўжалигининг «географик модели» ва халқаро географик меҳнат тақсимотининг кўп йиллик тажрибаларида синалган тамойиллари асосида ўз ташқи иқтисодий муносабатларини шакллантирмоқда.

Бугунги кунда жаҳон хўжалиги алоқалари шундай даражага етдики, кейинги йилларда қитъалараро товарлар экспорт-импортида мамлакатлар фаоллиги бир неча ҳиссага ортиб кетди ва шу ўринда давлатларнинг иқтисодий географик ўрни ривожланиш ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим омилига айланиб қолди.

Унинг муҳим жиҳатлари, биринчидан, давлатларнинг географик жойлашуви; иккинчидан, табиий шароити ва ресурслари; учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, хўжалигининг тузилиши, меҳнат ресурслари, тарихий анъаналари ва бошқа хусусиятлари билан боғланган бўлиб, алоҳида ҳудудлар


доирасида бир-биридан фарқ қилади. Бу ўринда мамлакатдаги мавжуд тармоқлар ўзидаги мавжуд ресурслар, имкониятлари, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва жаҳон андозалари талабларини эътиборга олган ҳолда ҳамкор танлаши мамлакатлар ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Албатта, республика иқтисодиётини қайта қуриш, мулкчиликнинг янги шакллари ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг янги усулларини амалиётга тадбиқ этиш давомида, мамлакат иқтисодиётини янги воситалар ва қувватлар билан таъминлашда импортнинг роли юқоридир.

Мамлакатнинг географик жойлашувига кўра, Европа давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда қатор муаммолар бўлишига қарамасдан, амалга оширилган ташқи савдо айланмасининг ҳозирги кўрсаткичи катта ютуқ, албатта. Бироқ, Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик ва ташқи савдони ривожлантириш орқали кўпроқ самарали натижага эришиш мумкин. Чунончи, 2003-2013 йилларда дунё миқёсида амалга оширилган ташқи савдо айланмасининг ўрғача 35 фоизи Осиё қитъасига тўғри келди.

1- диаграмма

**2003-2013 йиллардаги ўрғача ташқи савдо айланмаси китъаларо тақсимланиши (фоиз ҳисобида)<sup>27</sup>**



<sup>27</sup> Диаграмма Республика Статистика давлат қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон, юқорида кайд этилганидек, кенг ташқи иқтисодий алоқаларга эга бўлган давлат ҳисобланади. Республикада 2003-2013 йилда амалга оширилган ташқи савдо айланмасининг энг катта ҳажми Европага (58,3 %), яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, асосан иқтисодий жиҳатдан ривожланган, замонавий техника ва технологияларга эга бўлган Ғарбий Европага тўғри келганлигини айтиб ўтиш зарурдир. Ундан кейинги ўринларни Осиё (35,0 %) ва Америка (6,5 %) қитъалари эгаллаган.

Ўз навбатида, ташқи иқтисодий алоқалар мана шундай аниқ ва равшан тамойилларга асослангани ҳолда амалга оширилгани боис, Ўзбекистон билан барқарор иқтисодий алоқалар ўрнатишга интилаётган давлатлар сони ўсишига, унинг умумжаҳон ҳамжамиятидаги обрўси кўтарилишига олиб келди. Бироқ, ташқи иқтисодий алоқаларни янада тезроқ ривожлантиришга, географиясини кенгайтиришга саноат ишлаб чиқариши, айниқса, қайта ишловчи, малакали меҳнатни талаб қилувчи юқори технологияга асосланган саноатнинг етарли даражада ривожланмаганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари унчалик рақобатбардош эмас ва товарлар таркиби тор доирага эга.

Ташқи инвестиция ресурсларини саноат ишлаб чиқаришига жалб қилиш унинг ишлаб чиқариш кўлами ва самарадорлигининг ортишига, бу эса ўз навбатида экспорт салоҳиятининг кенгайишига олиб келди. Шу йиллар давомида айниқса Туркия ва Эрон давлатлари билан амалга оширилган экспорт-импорт муносабатлари кўрсаткичлари юқори бўлди. Шунингдек, Туркиянинг импорт кўрсаткичларини ҳам эътиборга олсак, кейинги йиллар давомида Ўзбекистон билан барқарор ҳамкорликда бўлаётган давлатлар сифатида майдонга чиқади.

Шу йиллар импортида, Жанубий Кореянинг ҳиссасида пасайиш тенденцияси, Туркиянинг импорт улушида эса, аксинча, ўсиш кузатилади. Бироқ, яқин хориж ёки МДҲ давлатлари билан иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик алоқаларининг секин кечиши ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим муаммоси сифатида қолиб келмоқда.

МДҲ давлатлари орасидаги бир томонлама ва кўп томонлама алоқаларни кўриб чиқаётганда, айниқса, Ўзбекистоннинг ҳамдўстлик давлатлари билан алоқасини кузатганда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

1. Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодиёти тубдан ўзгариш йўлидан бормоқда. Бунда бозор инфраструктураси институтларининг юзага келиши, иқтисодни бошқарувчи янги давлат механизмларининг пайдо бўлиши табиийдир. МДХ давлатларида ушбу жараёнларнинг турлича кечиши кузатилмоқда. Мулкчиликнинг ўзгаришидаги муҳим йўналишларидан бири мулкнинг янги шаклларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдир. Хусусийлаштирилган корхоналар таркибида савдо-сотик корхоналари асосий ўринни эгаллайди. Умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам катта кўрсаткични ташкил қилади. Ўтиш даврининг мураккаблиги, иқтисодий ривожланишнинг турли шароитлар ва ресурслар билан таъминланганлиги, савдо-сотик ва тўловларнинг ўзгарувчанлиги иқтисодий интеграция жараёнига таъсир қилмай қолмаяпти.

2. Иттифоқ тугатилгандан сўнг баъзи давлатлар зарур хомашё қазиб олишда ва керакли маҳсулот ишлаб чиқаришда яқка ҳоким бўлиб қолдилар. Россия хисобига нефть (газ конденсатини хисобга олган ҳолда) қазиб олишнинг 90 фоизи, газнинг 75 фоизи, ёғоч маҳсулотларнинг 91 фоизи, қоғознинг 80 фоизи тўғри келар эди. Украинага умумиттифоқ миқёсида металл, прокат, металл қувурлар ишлаб чиқаришнинг 60–65 фоизи, Ўзбекистонга пахта етиштиришнинг 60 фоизи тўғри келган.

МДХ доирасидаги ўзаро алоқаларнинг муваффақиятли бўлиши ихтисослаштириш даражаси ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш каби омилларга боғлиқдир.

2001 йил 29–30 ноябрда Москва шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкил топганининг 10 йиллигига бағишланган саммитдаги давлатлар раҳбарлари кенгашининг ялпи мажлисида, иқтисодий интеграция масалалари, ўзаро савдодаги чекланишларни бартараф этиш борасидаги ишлар, товарлар ва хизматлар оқимини кўпайтириш ва енгиллаштириш учун ахборот маркетинг марказларини тузиш, таълим, маданият, солиқ, божхона соҳаларида фаолият кўрсатувчи муассасалар, хўжалик судлари ҳамкорлигини кенгайтириш хусусида келишиб олинди.

Шубҳасиз, МДХ давлатлари алоқаларининг кўп томонламаллиги, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишнинг кўп қатламлилиги худудий ва маҳаллий ишлаб чиқариш алоқаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда давлатлараро алоқаларнинг янги шакллари кидирилмоқда. Бу аввало молиявий-

саноат гуруҳларини (МСГ) ёки халқаро молиявий-саноат гуруҳлари (ХМСГ)ни вужудга келтиришда ўз аксини топмоқда.

Иқтисодий гуруҳларни тузишдан мақсад МДХ иштирокчиларининг миллий иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, янги бозорни ўзлаштириш, уни юксалтиришдан иборатдир. ХМСГ ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва молиявий маблағларнинг бозорда айланишини жадаллаштиришни таъминлайди. Интеграция жараёнлари миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, товар-пул муносабатларини такомиллаштиришда, фан-техникада чуқур ва доимий алоқаларни шакллантиришда, миллий бозорни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Бир мамлакат ёлғиз ўзи удалай олиши мушкул бўлган кўпгина миллий иқтисодий муаммоларни бирлаштирилган савб-ҳаракатлар туфайли муваффақиятли ҳал этиши мумкин. Интеграция жараёнлари давлатлараро ихтисослашув ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг объектив зарурияти билан ташкил этилади. 2003 йил якунлари бўйича ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 1992 йилдагига қараганда, қарийб 6 баравар ўсди. Бу экспорт-импорт битишувларининг умуман олганда самаралилигидан далолат беради. Россия, Украина, Қозоғистон, Белорусь, Қирғизистон ва Болтиқбўйи мамлакатлари каби яқин ва чегарадош мамлакатлар Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо шериклари бўлиб қолмоқда.

Ҳамдўстлик қатнашчиларининг барчаси ёки кўпчилик давлатлари билан эркин савдода божхона иттифоқи ташкил этилишига ўтиш олдинги йилларда тасаввур қилинганидек, унчалик тез кечадиган жараён эмаслиги маълум бўлди. Кейинги даврда, Ҳамдўстлик мамлакатлари ташқи иқтисодий вазирликлари ва бўлимларининг савб-ҳаракатлари эркин савдони ташкил этиш тўғрисидаги битим амалга оширилишини тезлаштириши ва бунинг натижасида давлатлар томонидан амалга оширилаётган савдо сиёсатини яқинлаштиришга имкон бериши мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон жаҳон бозорида тенг ҳуқуқли савдо ҳамкори бўлишга интиломоқда ва экспорт учун қулайроқ шарт-шароитлар яратмоқда.

Кейинги йилларда ташқи иқтисодий алоқаларда Осиё мамлакатларининг роли ортиб бормоқда. Жумладан, жанубий Корея, Япония, Хитой каби давлатлар шулар жумласидандир.



Жанубий Корея 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон билан энг яқин иқтисодий ҳамкорлик қилиб келаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Савдо сотиқ соҳасида мамлакатлар ўртасида 1992 йилдан буён муҳим стратегик ҳамкор сифатида ўзаро алоқаларда қулайликлар яратиш тартиби амал қилиб келмоқда. Жанубий Корея Ўзбекистон билан савдо, енгил саноат, нефт-газ, металлургия, кимё саноати, машинасозлик, металл қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, 2008 йилда ўзаро товар айрибошлаш 1 миллиард АҚШ долларидан ошган бўлса, 2011 йилда 1,63 миллиард АҚШ долларидан ошган. 2013 йилда эса, ўзаро товар айрибошлаш 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Республикамизда бугунги кунда 360 га яқин қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Япония Узоқ Шарқдаги Ўзбекистоннинг энг муҳим ҳамкорларидан бирidir. Бугунги кунда Ўзбек-Япон ҳамкорлиги инфомацион-телекоммуникация технологиялари, транспорт, логистика, туризм ва фармацевтика соҳаларида ривожланмоқда. Япония билан 2013 йилда ўзаро товар айрибошлаш 215 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, япония ҳукумати томонидан йўналтирилган мо-

лиявий-техник фаолиятнинг умумий ҳажми эса 2 миллиард АҚШ долларидан ошади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида япон инвестицияси иштирокидаги 12 корхона фаолият юритмоқда.

Хитой эса, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига нафақат сармоялар киритиш, балки мамлакатимизда янги қувватдаги корхоналарни барпо этиш, транспорт тизимини модернизация қилиш ишларида фол иштирок этаётган давлатлардан биридир. Жумладан, 2016 йилда ишга туширилиши режалаштирилаётган Ангрэн-Поп темир йўлидаги тоннелларни қуришда Хитойлик мутахассисларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – МАМЛАКАТНИ ИҚТИСОДИЙ- ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳамкорликнинг кўп томонлама халқаро механизмларига тўла-тўқис қўшилди ҳамда халқаро молия ва иқтисодий ташкилотларда фаол сиёсат олиб бормоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзоси бўлди. Республика ушбу ташкилот доирасида денгиз портларига, трансмиллий транспорт тармоқларига, товарлар ва сармоянинг жаҳон бозорларига чиқиши имконини таъминловчи давлатлараро транспорт коммуникацияларини биргаликда қуриш лойиҳалари тайёрлашда ҳамда уларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги узок муддатли ҳамда жорий устувор йўналишларни ўзида кўзлаган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда баҳоланмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ана шу мақсадлар қатор муаммолар ва вазифаларни амалга оширишни кўзлайди.

**Биринчи вазифа** стратегик интеграция муаммоси – бу Ўзбекистоннинг барча иқтисодий субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлиги учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга жавоб берувчи шарт-шароитлар ярагилиши асосида халқаро валюта-молия ва савдо ташкилотларига тўғридан-тўғри қўшилишидир.

**Иккинчи вазифа** – бу мавжуд халқаро тажриба асосида кўрсатиб ўтилган бир қатор институтлардан молиявий, техник ва маслаҳат ёрдами олиш орқали республиканинг жорий муаммолари ҳал этилишига, ислоҳотлар қўллаб-қувватланишига кўмаклашишдир. Мустақилликнинг кейинги беш йилида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа алоқаларини ислоҳ қилиш республика институционал тузилмаси учун барча зарур нарсаларни яратди. Бинобарин, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, божхона хизмати ва бошқалар ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасида, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва маҳаллий бошқарув органларида тегишли ташқи иқтисодий бўлимлар ташкил этилди ва фаолият

кўрсатмоқда. Хорижий ҳамкорлар иштирокида халқаро савдо республика маркази мавжуддир.

Ташқи савдо алоқалари кенгайтирилишини рағбатлантириш мақсадида бир қанча имтиёзлар жорий этилди. Энг аввало товарлар импортига божлар бекор қилинди ва ўз маҳсулотларини экспорт қилишга божлар жиддий равишда камайтирилди, қўшма корхоналарнинг маҳсулотларини экспорт қилишдан бож олинмайди. Экспортга сотиш учун лицензия талаб қилинадиган маҳсулот турлари сони фақат 1994 йилда 74 тадан II тагача қисқартирилди. Бу ташқи иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ҳамда экспорт ва импорт тузилмаси яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Республикада ташқи савдони ривожлантиришнинг муҳим муаммоларидан бири экспорт ва импортнинг товар таркиби тузилишини тубдан ўзгартириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси жаҳон халқаро бозорлар иқтисодий тизимига кириб бориши учун рақобатга бардошли, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ва хизматлар билан чиқиши лозим бўлади. Шу боисдан ҳам мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспортбоп товарлар номенклатурасини ошириш юқори аҳамият касб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, сўнгги бир-икки йил мобайнида ташқи савдо айланмаси ва экспорт ҳажми пасайиши кузатилди. Масалан, 2000 йилда ташқи савдо ҳажми 6202,0 млн. АҚШ долларини, 2002 йилда эса 5700,4 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Шунга мувофиқ равишда экспорт 3264,7 ва 2988,4 млн. АҚШ долларини, импорт эса 2947,4 ва 2712,9 млн. АҚШ долларига етди. Лекин, бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин. Ташқи савдо ҳажмининг камайишига асосан экспорт ҳажмининг камайиши сабаб бўлган. Экспортнинг пасайишига жаҳон бозорида бир қанча маҳсулотлар, жумладан, пахта толаси, олтин ишлаб чиқариш, автомобиль, енгил саноат маҳсулотларига ва бошқа маҳсулотларга нархларнинг тушиб кетиши таъсир қилган. Бундай ҳолат камида 2003–2004 йилгача давом этиши кутилган эди. Бироқ, 2003 йилда ташқи савдо айланмаси 6689,2 млн. АҚШ долларини, экспорт 3725,0 ва импорт 2964,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Айтиб ўтиш жоизки, Республика импорти таркиби анча ўзгартирилган. Масалан, бензин, нефть импорт қилиш тўхтатилган, озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш эса 2 баробарга қисқартирилган.

Эндиликда, экспорт ҳажмини ошириш ва унинг таркибини тубдан ўзгартириш учун ҳозирги пайтда нисбатан кам самарали, лекин истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун дастур ишлаб чиқилиши керак ва унинг мақсади экспорт ҳажмини барқарор ўстириш учун шароитларни таъминлаш ва мавжуд ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятларидан максимал даражада фойдаланиш асосида уларнинг номенклатурасини рақобатбардош товар ва хизматлар ҳисобига кенгайтириш, шунингдек, ташқи савдо инфраструктурасини ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат бўлиши лозим. Аммо экспорт таркибида ҳамон хомашё, оралик маҳсулотлар улуши юқоридир.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ва экспортида ХИК ларнинг роли кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан уларнинг экспорт ҳажми 2004 йилда 785,2 млн. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда республика жами экспортнинг товар таркибига кўра, машина ва ускуналар(230млн.АҚШ доллари), озиқ-овқат(30,6) тармоқлари етакчилик қилиб қолган тармоқларнинг экспортдаги улуши куйидагича бўлди: энергетика(28,2), кимё(20,4), пахта толаси(18,05), қора ва рангли металллар(5,49).

Ўзбекистоннинг бой минерал хомашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек, ислоҳ қилишдаги ёндашувлар ва уни амалга ошириш тамойиллари, илгари қайд этилганидек, ҳамкорлар билан ташқи иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришнинг асосий шарт-шароитларидан ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилганлиги, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларига катта миқдорда инвестициялар жалб қилиниши иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириб қолмасдан, Балки сифат ўзгаришларига ҳам олиб келди. Мисол учун, 1990 йилларга нисбатан 2010 йилда 3,4 баробар ўсишга эришилди ёки 27,1 миллиард АҚШ долларидан 92,3 миллиард АҚШ долларигача кўпайди. Бу вақтда асосий капиталга инвестициялар жалб қилиш 3142,5 миллион доллардан 9712.7 миллион долларга, яъни, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,8 мартадан 11,6 мартагача ошганини англатади<sup>28</sup>.

<sup>28</sup> Қодиров Л.И. Мустақиллик ва иқтисодий тараққиёт одимлари.// Ўзбекистон иқтисодий ахборатномаси. -2013.-№3-4.-Б.56-57.

Балки, жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистонни бутунлай четлаб ўтди дейишимиз ноўриндир. Бирок, жаҳоннинг ривожланган давлатлари «шок» ҳолатига тушиб қолган шароитларда ҳам Ўзбекистон ривожланиш сари одимлаганлигини эслаш жойиз. Бугунги кунда мамлақати мизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам гигант корхоналар қурилиб, аҳоли бандлиги ортмоқда. Масалан, Сурхондарёдаги янги, ихчам корхоналарнинг пайдо бўлиб, қишлоқ ёшлари бандлигининг ортиши ёки Қашқадарёда калий заводининг ишга тушиши натижасида минглаб қишлоқ аҳолиси бандлигининг ортиши чекка ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижасидир.

2013 йилда Хоразм вилоятида «Урганч ёғ мой» очик акциядорлик жамиятида кенг қўламли ишларни амалга ошириш, яъни қиймати 2,35 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа асосида 5000 тонна саломасдан қиймати 1,1 миллиард сўмлик глицерин ва 4500 тонна ёғ кислоталари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мева, гўшт, сут маҳсулотларини қайта ишлаш ишларига доир 137 та лойиҳани амалга ошириш учун умумий қиймати 152,1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ жалб этилган. Шунингдек, Хоразм вилоятида «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» да йилига 40 минг дона «Дамас» русумли автомобиль ишлаб чиқарилиши вилоят иқтисодиётининг юксалишида муҳим воқеадир.

2010 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилишлари, инфраструктура ривожланишини жадаллаштириш тўғрисида» ги Дастурни имзолади. Шу асосида Ўзбек миллий автомагистралига чиқувчи йўлларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларни минтақавий ва жаҳон бозорига чиқишини таъминлаш доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шу мақсадда 2012 йилда 517 км автомобил йўларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, 544 погон. м. кўпирикларни қуриш дастурдан ўрин эгаллаган.

Тадқиқотлар Ўзбекистон товарларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик мавқеи пастлигини кўрсатади. Бу экспорт маркетинги, илғор технологиялар ва ташқи иқтисодий алоқалардаги географик моделларнинг анъанавий усулларига эътиборнинг суғлиги оқибатида р.

Янги савдо-сотик бозорлари учун курашиш бугунги куннинг муҳим иқтисодий стратегик вазифаларидан биридир. Президент И.А.Каримовнинг моҳирона ташқи сиёсати экспортчиларимизга кенг имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда чет элдан қўшимча моддий-молиявий ресурсларни ва бошқарув тажрибасининг илғор ютуқларини иқтисодиётга жалб этиш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча шаклларини ривожлантирмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг хилма-хил ва юқори сифатли истеъмол товарларига бўлган талабини асосан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган маҳаллий ва қўшма корхоналар маҳсулотлари ҳисобига қондиришга, республика экспорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Республикада ҳозирги кунда чет эл сармояларини иқтисодиётга жалб этиш, уларга кафолатлар бериш, имтиёзларнинг кенг тизимини яратиш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейингина, мамлакатда иқтисодий салоҳият ва унинг таркибий қисмлари табиий ва инсон ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш учун имкониятлар ярагилди. Ушбу умумдавлат аҳамиятига молик вазифани фақат иқтисодиётнинг жаҳон тажрибасида синалган самарали бошқарув, ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва ташқи иқтисодий алоқалар тизимини такомиллаштириш воситасидагина ижобий ҳал этиш мумкин.

Иқтисодий мустақиллик ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналар ўртасида ўзаро муносабатларнинг янги механизмини ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Бундай механизмлар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

- корхонанинг иқтисодий мустақиллиги, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жамғарманинг доимий ошишини;
- корхоналар томонидан табиий ресурс (имконият)лардан тежамли ва экологик хавф-хатарсиз фойдаланишни;
- ҳудудий бошқариш ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишни.

Маҳаллий бошқариш органлари корхоналар бажаришига мажбур шартномалар асосидаги ҳудудий муносабатлар тизимини ўрнатиши мумкин. Ҳудудлар иқтисодий ривожланиш даражасидаги кескин тафовутлар доимий муаммо бўлиб келган. Ана шу тафовутларни камайтириш биринчи навбатда, бой табиий иқтисодий

салоҳиятга эга ҳудудлар ва шаҳарларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон экспорт таркибини такомиллаштириш ва маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш учун устувор равишда ривожлантириладиган тармоқ ва соҳаларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Қилғи-энергетика комплексида 2000 – 2005 йилларда асосий энергия воситаларини қазиб олишни кўпайтириш ва қайта ишлашга қаратилган бир қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. «Ўзбекнефтгаз» компаниясига қарашли Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳисобига дизел ёқилгисини экспорт қилишни 600 минг тоннага, сиқилган газни 3,0 минг тоннадан 700 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Электр станцияларини реконструкция қилиш ва янгиларини ишга тушириш йўли билан электр энергияни экспорт қилиш кўшни минтақалар тўлов қобилиятининг ўсиб боришига мувофиқ кўпайтириб борилади. Саноат тармоқлари ичида кимё саноати корхоналарида экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Кимё саноати корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобига экспорт маҳсулотлари номенклатураси кенгайтирилади. Бунинг учун «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида карбамид ва миламин ишлаб чиқаришни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Самарқанд кимё заводи ва «Олмалиқаммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаларини реконструкция қилиш ва «Карбонам» очик турдаги акционерлик жамиятида пахта целлюлозаларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ушбу тармоқ маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтиришга имкон яратади. Олмалиқ металлургия комбинати, Ўзметаллургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган, ўтга чидамли металл комбинати ва Ўзбекистон иккиламчи рангли металл корхоналарини хориж сармояларини жалб этиш йўли билан модернизация қилиш, қайта техникавий жиҳозлаш уларнинг экспорт ҳажмини 1998 йилга нисбатан 0,5 баробарга кучайтириш имконини беради.

Саноат ва қурилиш материаллари экспортнинг таркибида цементнинг улуши 80 фоизга етказилади. Шунингдек, гранит ва мраммарни экспорт қилиш ҳажмини 5,5 баробарга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Ўзбекистонда электротехника ва радиоэлектроника саноатининг янада ривожланиши ва илгари амал қилган

МДХ мамлакатлари ўртасидаги кооперация алоқаларининг тикланиши, уларнинг экспорт имкониятлари янада ўсишига олиб келади.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2008 йилларда 21,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг жаҳон етакчи банклари билан ҳамкорлик қилиши республикада иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини ва республиканинг тенг ҳуқуқлилик асосида жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишини тезлаштирмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон жаҳон бозорида тенг ҳуқуқли савдо ҳамкори бўлишга интилмоқда ва экспорт учун қулайроқ шарт-шароитлар яратмоқда. Туризм инфраструктурасининг ривожланиши «Ўзбектуризм» миллий компанияси кўрсатаётган хизмат ҳажмининг 3 баробардан зиёдга кўпайишига олиб келади.

Республика шароитида рақобатчилик муҳитини яратиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади. Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқларида ислохотлар давомида вазирлик ва идораларнинг номи ўзгартирилиб, улар ассоциация, компанияларга айлантирилди. Жумладан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Ўзбектуризм» МК лари иш фаолиятида мутлоқ янгиланиш юз берди, илгари мустабид тузим давридаги марказга тобеликдан халос бўлди ва улар республика иқтисодий манфаатларини қўллаб қувватловчи замонавий компанияларга айлантирилиб, баҳо, маркетинг, режалаштириш ва бошқа фаолиятлар билан тасарруфидаги корхоналарни назорат этишмоқда. 2008 йилда республика аҳамиятига эга автомобил йўлларининг умумий узунлиги 41 6 минг километрга етган, темир йўлларининг умумий узунлиги 4230 километрга етди ва темир йўларда йўловчилар ташиш эса, бир йилда 129 80 минг кишини ташкил қилади. Автомобил ва темир йўлларни ривожлантириш республика туризм инфратузилмаси тараққиётини таъминлаш учун хизмат қилади. Масалан, Туризм инфраструктурасининг ривожланиши «Ўзбектуризм» миллий компанияси кўрсатаётган хизмат ҳажмининг 3 баробардан зиёдга кўпайишига олиб келди.

Халқсара экспертлар ва «Ўзбектуризм» Миллий экспертлари фикрига кўра, Ўзбекистонда туристик имкониятларининг фақат 12-15 фоизигина ишга солинган ҳолос. Мамлакатимизда туризм хизмати ривожига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири

сифатида туризм хизмати кўрсатиш республика худуди бўйлаб жуда нотекис тақсимланганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси маълумотларига кўра туристик хизмат кўрсатиш потенциалнинг 40 фоизи Тошкент шаҳрида жойлашган, 37 фоизи Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятларида, 16 фоизи эса Фарғона вилоятларида жойлашган экан. Республиканинг қолган худудида бор йўғи 7 фоиз туристик хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган<sup>29</sup>.

Иқтимоий соҳалар тараққиётининг ҳам туризмнинг ривожланишидаги аҳамияти юқори. Республикада музейлар, театр ва кутубхоналар хизматини замонавий асосда шакллантиришга ҳам муҳим эътибор қаратилган. Жумладан, республикадаги музейларнинг умумий сони 101 тани ташкил этиб, улардан санъат ва адабиёт музейлари – 16 та, тарихий музейлар – 28 та, мемориал музейлар – 22 та, ўлкашунослик музейлари – 28 тани ташкил этади. Ўзбекистонда 42 та театр фаолият юритади, уларнинг 2 – таси опера театрлари ва 26 таси мусикали драма ва комедия театрларидир. Республикадаги кутубхоналарнинг умумий сони 1650 та бўлиб, уларда 54 миллион нусхадаги китоб ва журналлар мавжуд.

Бугунги кунда туризм мамлакатлар хазинасига юқори даромад келтирувчи тармоқ сифатида шаклланмоқда. Агар 1950 йилларда дунё бўйича туризм келтирадиган умумий даромад 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1970 йилларда унинг ҳажми 17,9 млрд. долларга ва 2000 йилда 176,1 млрд. долларга етди.

Замонавий туризм саноати – иқтисодиётнинг энг ривожланаётган ва сердаромад тармоқларидан биридир. Унинг ҳиссасига дунёдаги ялпи даромаднинг қарийб 10 фоизи тўғри келади. Дунё миқёсида туризмнинг ўсиш темпи йилига 4-5 фоизга ортмоқда.

Ўзбекистоннинг тарихи ва маданияти нихоятда бой ва туризм тармоғининг ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга. Худуд «Буюк Ипак йўли»да жойлашганлиги боис, тарихда савдо ва маданий алоқалар маркази сифатида дунё мамлакатлари ичида шухрат қозонган. Республика худудида 4000 га яқин архитектура ёдгорликлари бўлиб, уларнинг баъзилари 2500 йиллик узоқ тарихдан гувоҳлик беради. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги тарихий обидалар дунё тарихчилари ва сайёҳларининг доимо диққат марказида бўлиб келган.

<sup>29</sup> М.Шогазтова. Ўзбекистонда туризм соҳасидаги менежмент ва маркетинг фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзодлиги диссертациясининг автореферати. Т.: 1999, -Б.9.

Бу шаҳарлар нафақат, ўзларининг ёдгорликлари, масжидлари, мадрасалари, мақбаралари билан, балки, бу ҳудудларда Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ибн Сино, Аг Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк ўзбек олимлари яшаб ижод қилганлиги боис ҳам машҳурдир.

Ўзбекистонда дам олишнинг фаол турлари каторидан спорт туризми: қояга тирмашиш, тоғ чанғи спорти; танишув мақсадида республиканинг архитектура ёдгорликларига бой шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент) билан танишиш учун саёхатга келадиган туристлар оқими йил сайин ортиб бормоқда. 2005 йилда Ўзбекистонга келувчи туристлар сони 240 минг кишини ташкил қилиб, улар дунёнинг 117 мамлакатидан келишган. Ҳар йили куз ойларида халқаро туризм ярмаркаси ўтказилади.

2006-2007 йилларда мамлакатга келган туристлар турли сабабларга кўра барча келганларнинг 9 фоизини ташкил этган. 2007 йилда 2006 йилга нисбатан туризм мақсадида 27 мингдан кўпроқ киши келган. 2006 йилда туристларнинг 80 фоизи (727 минг киши) МДҲ мамлакатларидан келишган ва қолган 20 фоизи эса бошқа хориж мамлакатлари фуқаролари бўлса, 2007 йилда келган туристларнинг 72 фоизи узоқ хориж мамлакатлари фуқаролари ва 28 фоизини МДҲ мамлакатларидан келган туристлар ташкил этган.

2008 йилда статистик интернет сўровларига кўра, Ўзбекистонга келадиган сайёҳларнинг 39 фоизи мамлакатнинг тарихи ва ёдгорликлари билан танишиш учун; 24 фоизи мамлакатнинг миллий маданияти, анъаналари ва турмуш тарзи билан танишиш учун келишини маълум қилган. 2004 йилда Самарқандда Бутун дунё туристик ташкилотининг офиси очилган. Бу офисни очишдан мақсад, халқаро туризм ташкилотлари билан мамлакатнинг миллий туризм ташкилотлари алоқаларини кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўтган 20 йили давомида республиканинг транспорт тизимини ислоҳ қилиш ва улар хизматларини халқаро меъёрларга ҳамда талабларга жавоб берадиган даражада ривожлантиришга катта эътибор қаратилди ва катта мувафақиятларга эришилди. Туризмнинг ривожланишида айниқса ҳаво транспортининг ахамияти юқоридир. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси Uzbekistan Airways дунёнинг турли минтақаларидан авиарейсларни қабул қилади, улардан Lufthansa, «Россия» ДТК, Asiana Airlines, Аркиа, Turkish Airlines, Korean Air, Атлант-Союз, Трансаэро, Аэрофлот ва Pakistan

Airways каби компанияларни санаб ўтиш мумкин. Республиканинг Самарқанд, Бухоро, Урганч шаҳарларидаги аэропортлар ҳам халқаро аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги меҳмонхоналарнинг меҳмон қабул қилиш сифими 17 минг киши, Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналар бир кеча-кундуз давомида 6700 меҳмонни қабул қилиш имконияти мавжуд. Республикада ҳаммаси бўлиб, 234та меҳмонхона мавжуд. Уларнинг 28 фоизи юлдузли меҳмонхоналар ва беш юлдузли меҳмонхоналар ҳам бор. Бу каби меҳмонхоналарнинг 60 фоизга яқини Тошкент шаҳрида жойлашган. Республика вилоятларида бир ва икки юлдузли меҳмонхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. Беш юлдузли меҳмонхоналар эса ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳрида мавжуд. Хусусий меҳмонхоналарнинг ҳам ярмидан кўпи (54%) Тошкент шаҳрида қурилган. Республикада номерлар фонди 9537 номер ёки 17 545 ўридан иборат.

Туристларга тўлиқ ахборот бериш учун Ўзбекистондаги туристик аҳамиятга эга бўлган диққатга сазавор жойларнинг ягона рўйхати ҳамда ҳар бир объектнинг тарихий, географик, табиий ёки бошқа жиҳатлари таснифий гуруҳланган, аниқ манзили кўрсатилган, бориш йўлларига изоҳ берилган, туристик хизмат кўрсатиш объектлари бор йўқлиги ва уларнинг техник тавсифи кўрсатилган жойдаги ягона каталог, яъни ахборот- маълумотнома тайёрлаш ва катта гиражда чоп этиш лозим<sup>30</sup>.

Хорижий туристлар ва ички туристлар ҳаракатларининг таҳлили улар сонининг ошаётганлигини, лекин шу вақтнинг ўзида тушаётган даромад ҳажмининг қисқараётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, турмуш секторидан олинаётган даромад 2000-2005 йилларда 63 млн. АҚШ долларидан 35 млн. долларга, 2005-2008 йилларда эса 35 млн. доллардан 33 млн. долларгача пасайди. Бундан туризмга хос умумий тенденциялардан ташқари Ўзбекистон туризмида ҳисобга олинмаётган хусусий ноформал секторнинг роли йилдан-йилга ошиб бораётганлиги муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистонда ҳар 100 аҳолига 1 дан ҳам кам хорижий турист тўғри келади. Агар ушбу кўрсаткич Хитойда бўлгани каби 3 тага етказилса, унда хориждан келувчилар сони 850 минг кишидан ҳам ошиб кетар эди. Хорижлик туристлар сонини ана шу кўрсаткичга ва кейинчалик 1 млн. кишига етказиш туризмни ривожлантиришнинг стратегик вазифаси бўлиши керак.

<sup>30</sup> Дўстов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тошкент, 2004. Б. 74.

Маълумки, Ўзбекистон ҳунармандчилик тарихини ва уни ўрғаниш кенг мавзудир. Мухим жиҳати шуки мазкур диссертация иши энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача тараққий этган ҳунар-мандчиликнинг баъзи бир соҳалари тўғрисида муҳтасар маълумот беради. Бозор мунособатларига ўтиш даврида мамлакатимиз миллий иқтисодиётида миллий ҳунармандчилик ва туризмнинг ролини ошириш, ундан келадиган даромадни ва шу соҳада банд аҳолини қўпайтириш, «Туризм асри» деб аталмиш XXI асрда давлатимиз ҳукуматининг олдига қўйган асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатда туризмни ҳудудлар бўйича ривожлантиришда миллий ҳунармандчиликни туризм инфраструктурасини яхши йўлга қўйиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- туристларни қелиши, жойлаштирилиши ва кетишини қатъий назоратга олиш, бунга солиқ ташкилотларини жалб қилиш;
- меҳмонхоналар сонини қўпайтириш, уларни ҳеч бўлмаганда уч ёки тўрт юлдузга эга бўлган стандартга мослаштириш;
- туристларни транспорт воситалари билан таъминлашни кескин яхшилаш;
- туристик объектларга ташриф қилишни қелишилган жадвал асосида амалга ошириш;
- туристларга визалар бериш процедурасини жиддий равишда энгиллаштириш лозим. Чунки, Ўзбекистонга қелишни хоҳловчи туристларнинг ҳар 5 тадан биттаси айна мана шу муаммо туфайли ўз ниятини амалга ошира олмаяпти. Бунинг учун энг гавжум йўналишларга эга мамлакатларда, аэропорларда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларини барпо этиш мақсадга мувофиқ<sup>31</sup>.

Ўтган мустақиллик даври мобайнида Ўзбекистон туризм саноатида сезиларли ўзгаришлар юз берди, яъни мамлакатда туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ сиёсий қарашлар ўзгарди, туризмни ривожлантириш меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Туризмнинг барча турларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилди ва ҳозирда такомиллашмоқда. Шунингдек, кичик туристик мажмуаларга хорижий инвестициялар жалб этилмоқда, янги туристик йўналишлар очилмоқда, тармоқни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрланмоқда ва хизмат кўрсатишни жаҳон андозаларига тенглаштиришга интилмоқда.

<sup>31</sup> Нурматов М.Ш. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик хусусиятлари. Т.: «Фан», 2013.- 98-99б.

Республика экспорт салоҳиятини ўстириш учун унга хизматлар кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш лозим. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

- ташқи савдони ва мамлакат экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватловчи марказ ташкил қилиш. Бу марказ чет эл бозорларини маркетинг асосида тадқиқ қилиш, ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчилар учун таклифлар ишлаб чиқиш билан шуғулланиши лозим;

- хорижий мамлакатларда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва экспорт қилувчи йирик концерн ва компанияларнинг ваколатхоналарини ташкил қилиш;

- экспорт қилувчиларни хорижий ахборот билан таъминловчи тузилмаларни ривожлантириш, мамлакатларда экспорт товарлар кўргазмаларини ўтказиш;

- ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда жаҳон хўжалигида Ўзбекистоннинг ролини ошириш борасида географик хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш ва ривожланган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларининг тарихий босқичлари давомидаги тенденциялар ҳамда уларнинг географик ечимларини таҳлил этган ҳолда ёндашиш лозим.

- қайта ишлаш саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, қадоқлаш ва ўраб жойлаш ускуналар билан таъминлаш, қайта ишланган маҳсулотларни ихчам ва чиройли пакетларда қадоқлаш, ишлаб чиқарилган муддати, сақланиш муддати, штрих кодлари ёзилиши ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги тамға қўйилиши, маҳсулотларни сақлайдиган истеъмолчига етказиш шарт-шароитларини яратиш ҳамда қайта ишлашда ва экспортбоплигини таъминлашда маркетинг хизматини ривожлантириш;

Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун иқтисодиётнинг барча соҳаларида экспорт имкониятларини оширишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштиришга хориж сармояларини жалб қилиш дастурлари билан мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиёт соҳасида асосланаётган «очик эшиклар сиёсати» маълум даражада ўз самарасини берди, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига, унда ўз ўрнини топишга ва шу орқали жаҳонда танилишга имкон яратди. Бундан ташқари, мазкур сиёсат ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, кенгайтиришга олиб келди.

Сўнги йиллар давомида ташқи иқтисодий алоқалар кўлами, ҳажми ошди, географияси анча кенгайди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларида бозор муносабатларига хос бўлган барча жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган «очиқ эшиклар сиёсати»га таяниш экспорт–импорт жараёнлари ҳаққоний ривожланишига, республиканинг жаҳон иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва илмий-техникавий ҳамжамиятига кириши ва унда ўзига муносиб ўринни эгаллашига шароит яратмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий алоқага эга бўлмаган бирор-бир қитъа ва материк қолмади Шу билан бирга, уларга хос кўрсаткичлар ўртасида кескин фарқлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда географик ва айниқса иқтисодий географик омил ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Осиё харитасида янгидан пайдо бўлган давлат бўлса ҳам, у Европа қитъаси билан узвий иқтисодий алоқаларга эга. Унинг импортдаги роли ҳам улкан. Бундай ҳолат ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий талаби — имконияти борича юқори техника ва илғор технологияга эга бўлган, ривожланган мамлакатлар билан экспорт–импорт операцияларини ривожлантириш мақсадига тамомила тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишда Россия Федерацияси, Қозғистон, Украина ва бошқа мамлакатлар билан узвий алоқага эга. Бундай иқтисодий алоқалар ислоҳотларнинг иккинчи босқичида Республика иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига, жаҳон ҳамжамиятида унинг сиёсий мавқеи мустаҳкамланишига ҳар томонлама кўмак бермоқда. Юқорида номи келтирилган мамлакатлар ичида экспорт бўйича юқори даражадаги алоқалар Россия Федерацияси, Швейцария, Корея Республикаси, билан ўрнатилган. Демак, Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда ўрнатилган экспорт–импорт алоқаларининг географияси бугунги кун талабига тўла-тўқис жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган экспорт–импорт операцияларининг умумий ҳажми бугунги кунда нисбатан паст ҳисобланади. Уларга хос товар таркиби эса ниҳоятда камбағалдир. Ҳозирги пайтда республикада экспорт қилинаётган товарларнинг ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг миқдори чегараланган. Экспорт қилинаётган товарлар таркиби 300 га яқин маҳсулот туридан иборат.

## ХУЛОСА

Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари бўйича ўтказилган таҳлиллар, унинг ривожланиш шарт-шароитлари ва омиллари бозор муносабатлари шароитида одатдаги пухта ўйланган баҳолашга таянади.

Монографияда инсон салоҳияти таҳлилида янгича шароитда мустақил Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг диққат марказида инсон туриши таъкидланади. Меҳнат натижаси ва бинобарин, бутун миллий иқтисодиёт охир-оқибатда унга боғлиқдир. Шу муносабат билан республика банд аҳолисининг 40 фоизини ташкил этувчи қишлоқ хўжалик ходимларига эътибор берилди.

Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мобайнида рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар мураккаб илмий-назарий ва амалий вазифаларни келтириб чиқарди. Мураккаб ва чуқур ижтимоий-иқтисодий муаммолар, мамлакатнинг турли жойларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохот ривожига тафовутлар иқтисодий ўсишнинг ҳудудий омиллари ва географик жиҳатларини комплекс ҳолда ҳисобга олиш ва шу асосда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш кераклигини кўрсатди.

монографияда берилган тадбирлар мажмуи иқтисодий ўсиш ва ташқи иқтисодий алоқалардаги географик омиллардан оқилона фойдаланиш учун илмий асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотлар Ўзбекистон товарларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик мавқеи пастигини кўрсатмоқда. Бу экспорт маркетинги, илғор технологиялар ва ташқи иқтисодий алоқалардаги географик моделларнинг анъанавий усулларига эътиборнинг сустлиги оқибатидир. Ривожланган мамлакатлар ва жаҳон цивилизацияси марказлари билан мустаҳкам ўзаро муносабатлар ўрнатилиши ана шу давлатларнинг бозорларига муваффақиятли чиқиш олишнинг дастлабки кафолатидир.

Муаллифнинг назарий методологик ёндашувига кўра товарлар экспорти ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг истиқболларини таъминлаш учун:

**Биринчидан**, экспортчилар учун ишлаб чиқариш ва экспорт соҳасидаги энг қулай режимни яратиш, яъни, мулкчиликнинг янги шакллари ривожланаётган бир пайтда хусусий мулкчиликнинг эркин шарт-шароитларини шакллантириш асосида маҳсулот ишлаб

чиқаришни кенгайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш зарур.

**Иккинчидан**, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда жаҳон хўжалигида Ўзбекистоннинг ролини ошириш борасида географик хусусиятлардан келиб чиқиб, ривожланган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларининг тарихий босқичлари давомдаги тенденциялар ҳамда уларнинг географик ечимларини таҳлил этган ҳолда ёндашиш керак.

**Учинчидан**, қайта ишлаш саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлар, кадоклаш ва ўраб жойлаш ускуналар билан таъминлаш, қайта ишланган маҳсулотларни ихчам ва чиройли пакетларда кадоклаш, ишлаб чиқарилган муддати, сақланиш муддати, штрих кодлари ёзилиши ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги тамга қўйилиши, маҳсулотларни сақлайдиган истеъмолчига етказиш шарт-шароитларини яратиш ҳамда қайта ишлашда ва экспортбopлигини таъминлашда маркетинг хизматини ривожлантириш лозим.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикасида етиштирилادиган ва экспорт учун тайёрланган маҳсулотларни қайта ишлашда ҳамдўстлик мамлакатларидаги тайёрлов ва савдо ташкилотлари билан ҳозирда йўқолган алоқаларни тиклаш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш зарур.

**Бешинчидан**, экспортчиларга анъанавий бозорларни сақлаб қолиш ва янги бозорларни эгаллаш борасида қўмаклашишга қаратилган тизимли дастурларни ишлаб чиқиш орқали ёрдам бериш ва уни амалга оширишда ишлаб чиқаришнинг маҳаллий ҳамда кўп йиллик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда янги технологияларни олиб кириш асосида ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни хомашё манбаларига яқин жойлаштириш ҳамда кудратини ошириб бориш керак.

**Олтинчидан**, давлатнинг моҳирона инвестиция сиёсати ёрдамида таянч корхоналар (Тошкент трактор заводи, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ва бошқалар) нинг тўла ва замонавий қувват билан ишлаши учун ҳамкорлик доирасини кенгайтириш мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида иқтисодийнинг барча соҳаларида экспорт имкониятларини оширишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни молиялаш-

тиришга хориж сармояларини жалб қилиш дастурлари билан мувофиқлаштириш лозимдир.

Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишни баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган методологик ҳолатлар ва услубий ёндашувлар асосида олиб борилган тадқиқот республиканинг хилма-хил таркибий-географик, ижтимоий-нуфусий ва иқтисодий шароитларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг худудлар бўйича нотекис тусда ўзгараётгани аниқланди. Бозор иқтисодиётининг ва хўжалик юрителишининг янги шакллари саноат ва урбанизация даражаси бирмунча юқори бўлган етакчи худудлар — Тошкент, Фарғона, Навоий вилоятларида ва Тошкент шаҳрига нисбатан юқори суръатларда таркиб тоғмоқда. Бироқ айнан шундай худудларда хўжалик алоқаларининг жиддий равишда бузилиши саноатда депрессивлик — танглик ҳолатини келтириб чиқаради ва, ўз навбатида, бу ерлардаги умумий ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлади. Янги мулкчилик шаклига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарият қисми шу худудларда тўпланиб қолаётганлиги мураккаб иқтисодий ҳолатни келтириб чиқармоқда.

Иқтисодиётнинг таркибий қишлоқ хўжалиги тармоқлари устун бўлган Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида давлат мулки шаклида бўлмаган ва янги хўжалик юрителиш хўжалик тузилмаларининг ривожланиш кўрсаткичлари республиканинг ўрта даражадаги кўрсаткичларидан бирмунча пастдир. Бундай худудларнинг айримларида ишсизлик даражасининг юқорироқлигини ҳисобга олмаганда, умуман, улар ҳозирги вақтда ўзгараётган ижобий ва салбий ижтимоий-иқтисодий жараёнларига бир қадар кам берилувчанликлари билан ажралиб туради.

Республика экспорт салоҳиятини ўстириш учун унга хизматлар кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш лозим. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

- ташқи савдони ва мамлакат экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватловчи марказ ташкил қилиш. Бу марказ чет эл бозорларини маркетинг асосида тадқиқ қилиш, ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчилар учун таклифлар ишлаб чиқиш билан шуғулланиши лозим;

- экспорт қилувчиларни хорижий ахборот билан таъминловчи тузилмаларни ривожлантириш, мамлакатларда экспорт товарлари кўргазмаларини ўтказиш.

- ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда жаҳон хўжалигида Ўзбекистоннинг ролини ошириш борасида географик хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш ва ривожланган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларининг тарихий боқичлари давомидаги тенденциялар ҳамда уларнинг географик ечимларини таҳлил этган ҳолда ёндашиш лозим.

- Ўзбекистон Республикасида етиштириладиган ва экспорт учун тайёрланган маҳсулотларни қайта ишлашда ҳамдўстлик мамлакатларидаги тайёрлов ва савдо ташкилотлари билан ҳозирда йўқолган алоқаларни тиклаш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш зарур.

- қайта ишлаш саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, қадоқлаш ва ўраб жойлаш ускуналари билан таъминлаш, маҳсулотларнинг экспортбоплигини таъминлашда маркетинг хизматини ривожлантириш маҳсулотларни сақлайдиган истеъмолчига етказиш шарт-шароитларини яратиш керак.

Таклиф этилган йўналиш бўйича амалга ошириладиган ҳудудий сиёсатдан қўйилган натижа экспорт салоҳиятини 15 – 20% ошириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, таҳлил шуни кўрсатадики, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши бозор рақобатчилари учун мустақиллик кафолати аҳамияти катта – булар республиканинг барча фуқаролари учун фаровонлик яратиш мақсадларига хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишининг асосий шартларидир.

Мазкур монографияда келтирилган мулоҳазалар давомида географик жиҳатлар доирасида эҳтимолга яқин ривожланиш йўналишларини аниқлашга уриниб кўрилди ва шунга асосланиб баҳо берилди. Асосий эътибор ташқи иқтисодий алоқаларнинг географик жиҳатларига, республика ҳудудларининг нисбатан қулай табиий ва иқтисодий географик ўрнига ва экспорт учун рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш имкониятлари ва истиқболларига қаратилди.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### 1. Президент асарлари

1. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992 йил, 54-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 111-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. «Ўзбекистон». 1998, 96-146 бет.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Ўзбекистон овози. -2014 йил, 7-июнь

### 2. Қонунлар ва қарорлар

1. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонуни
2. Олий Мажлиснинг 77-11-сонли қарори «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2000 йил 26 майда
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги ширкатларини 2006 йилда фермер хўжалигига айлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сонли қарори. 2005 йил ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабза-вотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-сонли фармони. 2006 йил 9 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабза-вотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-255-сонли қарори. 2006 йил 11 январь
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослашган кўргазма савдосида иштирок этишни таъминлаш тўғрисида»ги ПҚ-449-сонли қарори. 2006 йил 26 августдаги
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Тўқимачилик саноатига инвестицияларни жалб қилиш»дастури. 2005 йил 27 январь

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетика иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги 2812-сонли буйруғи. 2001 йилнинг 22 февраль
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1442 сонли қарори. 2010 йил 15 декабрь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар дастури тўғрисида»ги ПҚ-1855 сонли қарори. 2012 йил 21 ноябрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энергиянинг муқобил манбаларини келгусида ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги 4512-сонли бйруғи. 2013 йил 1 март.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникациялар қурилиши инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-1416-сонли қарори. 2010 йил 29 декабрь.

### 3. Илмий, уқув услубий адабиётлар

1. Бекмурадов А. Государство как эффективный институт обеспечения инвестиционного развития экономики: опыт Республики Узбекистан. // Экономический вестник Узбекистана.- 2013. -№ 3-4. С.80.
2. Дўстов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тошкент, 2004. Б. 74.
3. Нурматов М.Ш. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик хусусиятлари. Т.: «Фан», 2013.- 98-99б.
4. Узоқов Н. Мустақиллик фаровонлик кафолати.// Ўзбекистон иқтисодий ахборатномаси.-2013.-№3-4.-Б.33.
5. Узоқов Н. Мустақиллик фаровонлик кафолати.// Ўзбекистон иқтисодий ахборатномаси.-2013.-№3-4.-Б.33.
6. Шогазатова М. Ўзбекистонда туризм соҳасидаги менежмент ва маркетинг фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзодлиги диссертациясининг автореферати. Т.:1999,-Б.9.
7. Эгамбердиева У. Жаҳон пахта бозорида мамлакатимизнинг ўрни. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2012. № 3.- Б.38.
8. Қодиров Л. Мустақиллик ва иқтисодий тараққиёт одимлари.// Ўзбекистон иқтисодий ахборатномаси.-2013.-№3-4.-Б.56-57.

#### 4. Хорижий адабиётлар

1. Богуславский М.М. Иностранные инвестиции-правовое регулирование. Москва, «Бек», 1996.
2. Громов. Е.А. «Воспроизводство конечного общественного продукта США». Изд-во «Наука», Москва. 1966., 294 ст.
3. Лаврова С. Б. и Каледина Н. В. Экономическая социальная и политическая география мира. Регионы и страны. М.: Гардарики, 2002. 893- 905 б.
4. Осымова М. Н. ва бошқалар. Глобализация мировой экономики и устойчивое развития как императив современного этапа человеческой цивилизации. М.: ТЕИС, 2001 39-40 б.

#### Статистик тўпламлар

1. Нихон ногё нэнкан, 1981, 276 б.
2. Нихон ногё нэнкан, Токио, 1982, 264 б
3. Ногё хакусё фудзоку токэйхё, Токио, 1982, 37 б.,
4. Дайдзу гэппо. 1983, №11, 5-6 б;
5. ОЕСО №1, october 1985. 34-35 б.
6. Farming Japan. 1985, №1, 48 б.
7. Кэйдзай хакусё. Токио, 1985, №1, 10 б.
8. Нихон ногё нэнкан, 1986, 474-487 б.
9. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2003 год. Госкомитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2004.

## ИЛОВАЛАР

Ташқи савдо айланмасида тармоқлар улуши (фоиз ҳисобида)

	2010й.
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>100,0</b>
Экспорт	59,7
Импорт	40,3
<b>Экспорт</b>	<b>100,0</b>
Пахта толаси	11,3
Озик-овқат маҳсулотлари	9,7
Кимё ва кимё маҳсулотлари	5,1
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	24,8
Қора ва рангли металлар	6,8
Машина ва ускуналар	5,5
Хизматлар	9,1
Бошқалар	27,7
<b>Импорт</b>	<b>100,0</b>
Озик-овқат маҳсулотлари	10,9
Кимё ва кимё маҳсулотлари	14,3
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	6,0
Қора ва рангли металлар	8,4
Машина ва ускуналар	44,1
Хизматлар	4,7
Бошқалар	11,6

**МДХ давлатлари билан ташқи савдо айланмаси (2010й)**  
(млн. АҚШ доллари)

	Экспорт	Импорт
<b>МДХ давлатлари билан жами</b>	<b>5898,7</b>	<b>3525,9</b>
Шу жумладан:		
Озорбайжон	38,4	9,0
Армения	3,3	2,6
Беларусь	25,8	110,4
Козоғистон	852,1	956,2
Кирғизистон	106,6	41,0
Молдова	7,8	5,5
Россия Федерацияси	4441,2	1936,4
Тожикистон	127,0	12,6
Туркменистон	120,8	75,3
Украина	175,7	376,9

**Дунё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси (2010й)**  
**(млн. АҚШ доллари)**

	<b>Экспорт</b>	<b>Импорт</b>
<b>Дунё мамлакатлари билан жами</b>	<b>7145,8</b>	<b>5273,8</b>
Шу жумладан:		
Австрия	2,5	78,2
Афғонистан	663,3	0,2
Бельгия	25,8	37,9
Болгария	2,2	8,0
Бразилия	0,1	231,6
Британия	131,5	96,9
Германия	50,2	432,8
Греция	38,3	47,8
Дания	4,7	16,3
Ҳиндистон	27,2	123,8
Исроил	23,0	28,8
Испания	5,1	14,4
Эрон	573,9	71,4
Ирландия	0,6	2,2
Италия	16,7	135,2
Хитой	899,9	1185,4
Жанубий Корея	158,2	1456,5
Латвия	81,4	53,5
Литва	9,2	23,6
Малайзия	37,0	35,4
Люксембург	0,1	7,4
Нидерландия	16,7	57,9
Бирлашган Араб Амирлиги	125,8	18,4
Покистон	30,4	9,7
Польша	30,1	74,7
Португалия	19,8	0,6
Руминия	4,2	8,7
Сингапур	155,8	22,2
Сурия	5,7	0,9
АҚШ	51,3	130,4
Туркия	721,9	238,0

	Экспорт	Импорт
Финландия	0,5	51,9
Франция	88,6	85,8
Чехия	4,8	68,2
Швейцария	45,2	82,8
Швеция	0,5	35,1
Эстония	3,2	13,8
Япония	16,5	105,9
Бошқа мамлакатлар	3073,9	181,5

**Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар экспорт ва импорт ҳажми (2010й)  
(млн. АҚШ доллари)**

	Экспорт	Импорт
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1793,8</b>	<b>3591,4</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	10,1	8,8
вилоятлар:		
Андижон	543,4	1396,3
Бухоро	46,1	40,0
Жиззах	17,5	10,5
Қашқадарё	27,4	17,2
Навой	38,0	23,3
Наманган	42,4	44,3
Самарқанд	45,7	125,5
Сурхондарё	20,4	2,4
Сирдарё	17,8	35,4
Тошкент	417,9	186,1
Фарғона	113,7	59,8
Хоразм	12,3	7,3
Тошкент шаҳри	441,1	1634,5

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши .....	5
Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари .....	12
Инсон ва минерал ресурслар омили Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг асоси .....	20
Саноат ишлаб чиқариши ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим омили.....	29
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш – ташқи иқтисодий алоқаларнинг истикболли йўналиши .....	40
Фермер хўжаликлари мамлакат иқтисодиётининг таянч тузилмаларидан бири.....	47
Ташқи иқтисодий алоқалар географиясининг ўзгаришлар ва уларнинг иқтисодий аҳамияти .....	51
Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш – мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий шarti ....	60
Хулоса .....	73
Фойдаланилган адабиётлар .....	77
Иловалар.....	80

45000

Ў. Ш. ЯКУБОВ

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2014

Мухаррир: Ф.Исмоилова  
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусаҳҳиха: Н.Ҳасанова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

Е-mail: [tipografiyacent@mail.ru](mailto:tipografiyacent@mail.ru) Тел: 245-57-63, 245-61-61.  
Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 25.09.2014.  
Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 5,0. Нашр босма табағи 5,25.  
Тиражи 500. Буюртма №156.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.